Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 211 (20. 179) • 1988 йил 14 сентябрь • чоршанба Баҳоси 3 тийин.

КОСМИК ВАХТАДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 13 сентябрь. (ТАСС). Владимир Титов, Муса Манаров ва Валерий Поляков бошқараётган «Мир» орбитал комплексининг учиши давом этмоқда.

Экипажнинг бугунги кун тартибида «Квант» модулининг илмий аппаратларидан фойдаланиб, астрофизика экспериментларини ўтказиш, комплекс ичидаги системаларга белгиланган профилактика хизмати кўрсатиш, «Прогресс-38» кемасидаги юкларни бўшатиш кўзда тутилган.

Атмосферадан ташқари астрономия тадқиқотлари программаси доирасида навбатдаги экспериментлар туркуми бошланди. Бу экспериментлардан мақсад галактикаларнинг қисқа тўлқинли нурланиши тўғрисидаги маълумотларни олишдан иборатдир. Космонавтлар «Глазар» ультрабинафша телескопи ёрдамида Оққуш юлдузлар туркумидаги осмон гумбази айрим участкаларини суратга олмоқдалар.

Бугун «рентген» орбитал обсерваториясининг телескоплари катта Магеллан булутлигидаги ўта янги юлдузнинг рентген нурланишини қайд этиб боради.

Телеметрия ахбороти маълумотларига ва орбитадан берилаётган хабарларга кўра, одам бошқараётган «Мир» комплексининг учиши нормал ўтмоқда.

Космонавтлар Титов, Манаров ва Поляков ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР — СОЦИАЛ МАСАЛАЛАРГА

М. С. Горбачевнинг Красноярск ўлкаси меҳнаткашлари билан учрашувлари

КРАСНОЯРСК, 12 сентябрь. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Красноярскка келгач, дастлабки дақиқаларданоқ сибирликлар билан учрашувлар бошланди. Қайта қуриш ишлари тўғрисида рўй-рост, танқидий руҳда гап борди. Турли меҳнат коллективларининг вакиллари, шаҳар аҳли партиянинг йўлини қўллаб-қувватлаб гапирдилар. Қишлоқ хўжалиги, саноат, социал соҳадаги ҳал этилмаган муаммолар ҳам ўртага қўйилди.

Енисей соҳилларида бу йил қийин келди. Деярли уч ой давом этган сурункали ёмғир тоғ дарёлари ва текисликдаги дарёларни тошириб юборди, Саян-Шушенское ва Красноярск ГЭСларининг сув омборлари лиммо-лим бўлди, энг ачинарлиси шундаки — ёғингарчилик ўримйиғимни уч ҳафта кейинга суриб юборди. Дони тўлиқ бошоқлар эгилаб ерга тегиб қолди, ҳозир эса деҳқонлар ҳар бир қулай соатдан тўла фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Саян тоғларидан Муз океанигача чўзилган улкан ўлканинг жуда кўп муҳим ташвишлари орасида красноярскликлар билан дастлабки учрашувлар чоғида деҳқон ташвишларига эътибор берилганлиги таажжубланарли эмас.

Дон — энг асосий бойлик, ризқ-рўзимиз, доннинг қанчалик мўл бўлиши фақат обҳавога эмас, деҳқонларнинг турмушига ҳам боғлиқ. Деҳқоннинг қандай яшаётганлигига, қандай йўллардан юраётганлигига боғлиқ. Бу ҳақиқатни ҳозир Сибирь ўлкасида ҳам тушуна бошладилар. Красноярскка кетиш чоғида катта қишлоқ хўжалик районининг маркази ҳисобланган Емельяново поселкасида қисқа муддат тўхтаб ўтилганда аҳоли билан суҳбат шу ҳақда борди.

Уй-жой, мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари етишмаслигига ҳозир ҳеч ким тоқат қила олмайди. — Социал соҳада қайта қуриш секин, жуда секин бормоқда, дейишмоқда сибирликлар.

М. С. Горбачев: Сўнгги ўн беш йил ичида ўлканинг ривожланишини таҳлил қилаётиб, давлат бу ерга жуда кўп пул сарфлаганига эътибор бердим. Фақат қишлоққа, масалан, сизларнинг район марказингиз каби қишлоққа эмас, табиий бойликлар зўр бериб ўзлаштирилаётган жойларга ҳам кўп пул сарфланди. Ҳамма жойда социал ривожланиш орқада қолмоқда. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бунда ўлка органларининг ҳам маълум даражада айби бор. Улар чинакамига ташвиш билдирмадилар. Марказ, планлаштирувчи органлар ва министрликлар ҳам айбдор. Улар қувватларни ишга туширишга, иш бажарилганлигини маълум қилишга, ҳисоб беришга шошилдилар, одамлар бўлмаса бу қувватлар нима ҳам қилиб бера олади? Бу бош масала. Мана биз 2000 йилгача уй-жой муаммосини ҳал этиш вазифасини қўйдик. Ҳозир кооператив қурилиши учун катта имтиёзлар бердик, якка тартибда уй қурувчилар учун кўп йил муддатга қарз берилмоқда. Одамлар бундан жон деб фойдаланмоқдалар.

Сибирликлар М. С. Горбачевни кутаётган эдилар. Минглаб красноярскликлар иш кунидан сўнг шаҳар кўчалари ва майдонларига чиқдилар. Марказ — Революция майдони айниқса гавжум. Ҳар бир киши Бош секретарь билан энг муҳим иш тўғрисида гаплашиш умидида.

— Мен — қайта қуришнинг оддий ишчисиман, — деди ТАСС мухбирларига «Крастяжмаш» бирлашмасининг слесари К. Бутко.— Менинг партиявий стажим 1988 йил июнида, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси арафасида бошланди. Ҳозир ишчини нима ташвишга солмоқда? Сўз билан иш ўртасидаги тафовут ҳали жуда катта. Ўзгариш зарурлиги тўғрисида жуда кўп гапиряпмиз, аммо амалий иш бошлашимиз биланоқ, йигитлар, катта кетяпсизлар, деган гапларни эшитяпмиз. Масалан, ишчиларимиз ташаббуси билан тузилган сифат постимиз экскаватор деталларидаги ҳатто давлат қабули ҳам ўтказиб юборган бракни тўхтатиб қолиши билан маъмурият: бировнинг ишига аралашяпсиз, деб пўписа қилди. Бировнинг иши эмас, биз ҳақиқатан ҳам ўз ишимизга аралашяпмиз — заводда ҳокимиятни ўз қўлимизга олдикми, ҳақиқий хўжайин бўлишни истаймиз. Бу ишда Бош секретарь ҳам бизни қўллаб-қувватлайди, деб ўйлаймиз.

— Мен — целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқаришининг бўлажак иқтисодчисиман, — Сибирь технология институти учинчи курсининг студенти Л. Волосова суҳбатга аралашди. — Сибирликлар ақллироқ иш тутиб, ўлка бойликларини талон-торож қилишга чек қўядиган пайт келди. Ҳозир нималар бўляпти? Ўрмонлардаги дарахт кесиладиган жойларда ва цехларда тайёрланган ёғоч ҳажмининг учдан бир қисми миқдорида фойдали маҳсулот чиқмоқда. Арраланган учта дарахтдан иккитаси Тайгада қолиб кетяпти. Биз эса қоғоз етишмаслигидан нолияпмиз. Хўжайинларча муносабат — ҳозир мана нима етишмаяпти?

— Тармоқ билан территория манфаатлари ўртасидаги катта номутаносиблик ҳам таҳдид солмоқда, — деди КПСС Ленин район комитетининг биринчи секретари В. Ревкуц. — Министрликларнинг коллективлар турмушидаги социал масалаларни ҳал қилишни пайсалга солиш практикаси ниманинг олиб келаётганига бир қаранг: масалан, Красноярск целлюлоза-қоғоз комбинатида уй-жойга навбатда турувчилар сони камаймаяпти, аксинча кўпайиб бормоқда. СССР Ўрмон саноати министрлиги уй қуришга келганда пассивлик қилмоқда. Натижада одамлар корхонадан кетиб қоляпти. Бунинг оқибатида комбинат планни мунтазам бажармаётир. Бинобарин комбинатнинг ўзи уй қуриши учун маблағи йўқ. Боши берк кўчага кириб қолинди. Ундан қандай чиқиш мумкин?

Марказга яқинлашганимиз сари чорраҳаларда ва хиёбонларда одамлар шунчалик кўпайиб борди. Минглаб красноярскликлар иш кунидан сўнг Революция майдонига келдилар. М. С. Горбачев бу ерда В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди. Бош секретарь Совет ҳокимияти учун курашда ҳалок бўлган кишилар ёдгорлиги олдидаги Мангу олов ёнига ҳам гуллар қўйди.

Михаил Сергеевич майдонга келган сибирликлар гуруҳига мурожаат қилади. Ҳозир энг муҳими, деди у, сиёсатимизга, ҳозир шакллнаётган раҳбариятга ишончингиздир. Ҳаёт, қайта қуриш ишонч ҳақидаги масалани ҳам ўртага қўймоқда. Бу ишонч, биз бу сиёсатни одамларнинг истакларини ва уларнинг турмушидаги реал вазиятни ҳисобга олиб амалга ошира бошлаганлигимизни тушуниб етишга асосланиши лозим. Биз бу сиёсатни ўтказа бошлаганимизда иш қанчалик мураккаблашиб кетганини қаранг. Биз митинглар ўтказиб, жамиятимизда нима иш қилиш кераклигини аниқлаб олганимизда, мамлакатимизнинг қийинчиликларини билиш учун уни тўла тушуниб олишни истаганимизда, биз ҳаммамиз жуда фаол



Емельяново поселкаси аҳолиси билан суҳбат пайти. ТАСС телефотоси.

эдик. Бу муҳим, зарур босқич эди. Мана энди янги босқич бошланди. Энди сиёсат ҳар бир кишига дахлли бўлмоқда. Экономиканинг ярми дастлабки ярим йил давомида хўжалик ҳисоби асосида ишлади. Ислоҳот министрликларни, Госпланни ўз жойига қўймоқда, ислоҳот бизнинг ҳам ўринимизни кўрсатиб бермоқда. Қаерда иш қийин ўтаётган бўлса, юришмаётган бўлса, дарҳол буйруқ бергимиз келяпти. Аммо одамларнинг янги иш шароитларини ўзлаштириб олишларига, улар ўз ҳуқуқларини ва ролларини тушуниб олишларига фурсат ҳам бериш керак. Ана шуни тушуниб етиш қийин бўляпти. Маълум бўлишича, кўпгина кадрлар ҳам нима иш қилиш кераклигини айтиб туришларига ўрганиб қолган эканлар. Барча йиғинларда, айниқса қайта қуришнинг дастлабки босқичларида бизга ҳуқуқ беринг деб жар солишди. Мана энди ҳуқуқ бериб қўйилди. Энди биз бундай демоқдамиз: сизларга план топшириқларини етказмаймиз, мўлжал учун контрол рақамларни берамиз, сизлар эса шу рақамлар асосида планингизни ишлаб чиқинг. Давлат буюртмаси мана бундай бўлади, деб аниқланг.

Бу йил давлат буюртмалари қандай бўлди? Ҳозир биз раҳбарларнинг юз процент давлат буюртмасини белгилаш тўғрисидаги илтимосларига дуч келяпмиз. Нима учун шундай бўляпти? Агар давлат буюртмаси бўлса, унинг бажарилишини Госплан, Госснаб кузатиб туради, дейишяпти. Агар шартнома асосида бўлса ҳаммаси барбод бўлади, планлар бажарилмай қолади, дейишяпти. Одамлар мустақил равишда қарор қабул қилишдан чиқиб қолганлар, тавакқал қилишдан чўчимоқдалар, энг ачинарлиси шундаки, янги ишни бошлашдан чўчимоқдалар.

Министрликлар, республикалар, областлар даражасида, шаҳарлар ва ҳатто корхоналар даражасида бошқарувнинг турли бўғинларини жуда кўп танқид қилмоқдалар. Баъзан танқидга таҳқирловчи ёки сафсатабозлик элементлари қўшилиб кетишини ҳисобга олмаганда, тўғри танқид қилмоқдалар. Катта иш амалга оширилаётганда бақиришга ҳожат йўқ, ўртоқлар. Биз муаммоларни муҳокама қилишни ўрганиб олишимиз керак. Чунки биз баъзан ишнинг кўзини билиб, қўлимиздаги далиллар билан муҳокама қилмаяпмиз, балки ким қаттиқроқ бақиради қабилида муҳокама қиляпмиз.

Эндиликда кадрлар зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Ҳозир ҳисобот ва сайлов бормоқда. Кимнинг қандайлигига қараш керак. Масалан, колхоз ёки совхозда ижара пудрати муаммосини олиб кўрайлик. Мутахассислар ижара пудрати жорий этилаётганда ўзлари ҳам бу ишга қўшилиб, унга бош бўлишлари ва билимларини колхозчилар, совхоз ишчилари билан биргаликда шу ишга сарфлашлари лозимлигини кўрдилар. Лекин бунга ҳамма ҳам тайёр эмас. Маслаҳат бериш, айланиб текшириб чиқишга кўпчилик қолганлар, ишни ташкил этишни эса хоҳламаяптилар. Яна бир масала. Ижара пудрати бошқарув ходимларининг учдан икки қисмини қисқартиради. Шу сабабли ижара пудратига план топшириқларини қиладиган одамлар ҳам пайдо бўлди. Нима учун? Шунинг учунки, ижара пудрати неча ўн йиллар давомида таркиб топган тасаввурларни ўзгартириб юборади. Шундай қилиб, янги босқич бошланди, бу оддий босқич эмас, у катта куч-ғайратни, босиқликни ва вақтни, ақл-идрокни талаб қилмоқда.

В. В. Нишинский, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг директори: Резервлар эса бор.

М. С. Горбачев: Жуда катта резервларимиз бор. Ҳаммамиз, ишчилар ҳам, зиёлилар ҳам, деҳқонлар ҳам ишлашимиз керак. Фақат бошлиқнинг орзига қараб турмаслик лозим. Шу сабабли, агар сиз ишонамиз деётган бўлсангиз, ана шу ишонч тушунишга асосланиши керак. Ҳозир катта ўзгаришлар даври, бу ўзгаришлардан чўчимаслик, орқага қайтмаслик керак.

Т. И. Атласова, умумий овқатланиш ходими: Михаил Сергеевич, ишонамиз, красноярсклик сибирликлар панд беришмайди.

М. С. Горбачев: Яқинда ўлка муаммоларини батафсил муҳокама қиламиз, ўлка жуда катта ва муаммолари ҳам оддий муаммолардан эмас. Ҳозир менга нима демоқчисизлар?

Овозлар: Қайта қуришни қўллаб-қувватлаймиз. Меҳнат қиламиз. Маслаҳат ҳам берамиз. Виждон амри билан ишчиларга хос маслаҳат берамиз.

М. С. Горбачев: Майли, ўртоқлар, бу ердаги аҳволни сиз яхшироқ биласиз. Сиз яқинроқсиз, айниқса нималарни ҳисобга олиш кераклигини биласиз.

Овоз: Ўлкамиз Сизга маъқул бўлишини истаймиз.

М. С. Горбачев: Красноярск ўлкаси ҳар жиҳатдан нодир ўлка бўлса керак. Ер ости ҳазиналари жиҳатидан ҳам, ўрмон, дарё ва ер бойликлари ғоят қулай мужассамлашгани билан ҳам нодир ўлка. Сув, ер, ўрмон ва ҳаво билан ўлканинг экологик ҳолатида намоён бўла бошлаган жиҳатларга йўл қўйиш мумкин эмас. Бу аҳволни ўнглаб олиш керак, ўртоқлар. Биз ўлкани янада ривожлантиришни хоҳлаяпмизку, ахир. Ишни чигаллаштириб юбормаслик учун ҳатто экология масалаларини алоҳида ажратиб олиб, улар устида ғоят эътибор билан иш олиб бориш ҳақида ўйлаб кўриш керакдир. Мамлакатнинг ҳозирги куни ва келажаги учун ўлка экономикасининг аҳамияти жуда катта. Аммо энг асосий нарсани — бу ерда одамлар яшаётганлигини эсда тутиш керак.

Овоз: Бу ерда яхши одамлар яшайдилар.

М. С. Горбачев: Сибирь одамларни қаттиқ танлайди. Тўғри, бу ерга учарлар ҳам келиб қолади, лекин ўлка қиёфасини улар белгиламайди.

В. С. Вязьмин, шаҳар ветеранлар комитетининг аъзоси: сибирликларга ишонишингиз мумкин, Михаил Сергеевич. Бизнинг муаммоларимиз оз эмас. Буни ўзингиз кўрасиз, баҳолайсиз, ҳар бир кишининг кўзига, қалбига назар ташлайсиз. Ҳеч ким ўзини йўқотиб қўймайди. Шаҳарнинг Темирйўл районидаги ветеранлари шу гапларни Сизга етказишни илтимос қилишди: қайта қуришни охиригача етказишингизни истаймиз, биз эса қайта қуришга ишонамиз.

М. С. Горбачев: Бу ҳамманинг фикрими?

Овозлар: Ҳамманинг фикри.

М. С. Горбачев: Бу йўлда биз тўхтамаймиз. Красноярскка келаётиб, одамлар билан учрашдим ва уларга қайта қуришни қатъият билан олиб борамиз, лекин жуда ҳисоб-китоб билан иш тутамиз, деб айтдим. Социализм ва тинчликнинг тақдири кўп жиҳатдан қайта қуришнинг қандай боришига боғлиқ. Бу соҳада биз қилчиларни ялангочлаб ҳужумга ўта олмаймиз. Бу ўринда ҳамма нарсани пухта ўйлаб қилиш керак.

Ўртоқлар, қатъият билан олға бориш лозим, қўлдан, оёқдан ушлаб орқага тортишга уринаётганларни эса улоқтириб ташлаш керак. Асосий омма қайта қуришнинг қатъий тарафдори. Лекин бунда қайта қуриш текис йўлда сайр қилиш эмаслигини, олға бориш учун ҳамма нарса равшан эмаслигини эсда тутиш муҳимдир. Қайта қуриш — синалмаган йўл.

Овоз: Тўғри, лекин кўп йўналишларда бу йўлни босиб ўтдик.

Овоз: Равшан жиҳатлари бор, енг шимариб ишлайдиган пайт келди.

В. С. Вязьмин: Ўлка ва шаҳар, район раҳбарлари биз ветеранлар билан тезтез учрашиб, маслаҳатлашишади. Долзарб муаммолар хусусида рўй-рост суҳбатлашамиз, ҳақиқатни юзга айтамиз.

М. С. Горбачев: Тўғри, бугун красноярскликлар билан суҳбат чоғида одамлар қайта қуришни табриклашаётгани, ҳукуматга ишонишаётгани яхши иш, дедим. Уларга миннатдорчилик билдирдим, аммо бу ишонч худога ишониш каби кўр-кўрона бўлмаслигини, балки ишонч ҳозир қилинаётган ишларни тушуниб етишга асосланишини истайман, дедим.

Ҳақиқатан ҳам, нима учун қайта қуриш амалга оширилаётганини ҳамма билиши зарур. Башарти бирор ишни уддалаб бўлмаётган экан — буни ҳам одамлар билиши керак. Чунки миш-мишлар қандай пайдо бўлади, сафсатабозлар қачон пайдо бўлади? Масалалар муҳокама қилинмаса, сабаблар аниқланмаса, ана шундай миш-мишлар ва сафсатабозлар пайдо бўлади.

Емельяноводаги суҳбат вақтида ўртоқлардан бири у ерда раҳбарлар меҳнаткашлар билан учрашишни хоҳламаётганликларини, уларнинг гапларига қулоқ солишни истамаётганликларини, гўё улар учун ҳамма нарса равшан-у, одамлар билан маслаҳатлашишга эҳтиёжлари йўқлигини айтди. Бундай муносабат мутлақо ярамайди. Ҳозир ҳисобот ва сайлов давом этмоқда. Одамлар бундай раҳбарларга разм соладилар ва меҳнат коллективи кенгашини чақирадилар, агар гап район бўғини тўғрисида бораётган бўлса — сессия чақирадилар. Бундай раҳбарларга: сессиялардан бошқа вақтда, ноилож қолган ҳолларда бошқа вақтда биз билан учрашишни хоҳламас экансиз, сиз қанақа раҳбарсиз? — дейишади. Бундай қилиш ярамайди. Ҳозир Красноярскда ўлка раҳбарлари ҳам, шаҳар раҳбарлари ҳам телевидение орқали сўзга чиқаётган, меҳнат коллективларига келаётган эканлар, ишчилар, меҳнат ветеранлари, ёшлар, зиёлилар билан маслаҳатлашаётган эканлар — буларнинг ҳаммаси зарур иш.

Овоз: Суҳбат ҳам рўй-рост ўтяпти.

М. С. Горбачев: Ростини гапириш — бу фазилатни биз сақлашимиз керак, ўртоқлар. Нималарнингдир ёмонлиги ҳақида гапиришса, баъзи бировларга ёқмайди. Биз масалани шундай қўйишимиз керак: шуларнинг ҳаммаси турмушимизда мавжудми — демак ҳақиқат, ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Агар бу гаплар ёлғон бўлса, ўйлаб чиқарилган бўлса, бунинг устига йўл-йўлакай ҳақорат ҳам қилишса — бунга йўл қўйиб бўлмайди. Агар гаплар ҳақиқат бўлса, унга чидаш, текшириш ва барча яроқсиз нарсаларни ҳақиқат негизида бартараф этиш лозим. Гўё ҳаммаси равшан, бироқ биз бошқа нарсага кўникиб қолганмиз. Лекин ҳаммаси изга тушиб кетади, ўртоқлар, изга тушади, фақат кайфиятимиз йўқолмасин, умумий, фақат умумий куч-ғайратларимиз билан амалга ошираётган ишимизга ишонч йўқолмасин.

...Ҳалок бўлган қаҳрамонлар ёдгорлиги олдида минглаб красноярскликлар тўпланди. М. С. Горбачев уларга мурожаат қилиб, бундай деди: бундай жойларда ҳамиша сен беҳуда яшамаяпсанми, деб ўйлайсан киши. Бугун эса сиз билан биз бутун мамлакат билан бирга ликда мулоҳаза юритяпмиз.

В. А. Мартинов, «Сибтяжмаш» заводи комсомол комитетининг секретари: Биз да ҳамма нарса силлиқ бораётгани йўқ, албатта. Зўр бериб меҳнат қилсак, ишимиз юришиб кетади.

М. С. Горбачев: Ислоҳотга келганда эса, бу йил бизга кўп нарса берди. Биз яхши тайёргарлик кўргандек, ҳамма сини олдиндан кўзда тутиб, принципларни, ёндашувларни, нормативларни ишлаб чиққандек эдик. Лекин ҳаёт ҳамиша бой ва серқирроқ. Хатоларни йўл-йўлакай тузатишга тўғри келади. Ўзгартиш, аниқлик киритяпмиз. Коллективлар ўз ҳуқуқларини ўзлаштириб олишяпти. Буларнинг ҳаммаси жўн иш эмас. Гаплашишни ҳам, таҳлил қилишни ҳам ўрганиш керак. Дастлабки пайтларда биз роса бақирдик.

В. А. Мартинов: Бу ерда жуда қаттиқ кетмасак бўлгани.

М. С. Горбачев: Жамиятимиз очиқ жамият бўлиши, муаммолар ошкора муҳокама қилиниши кераклиги равшан бўлса керак, деб ўйлайман. Социализм даврида халқ — хўжайин ва асосий ҳаракат қилувчи кучдир, бизда эса экономикада ҳам, Советларнинг ишида ҳам, бошқа ишларда ҳам аҳвол шундай эдики, халқ бир четда қолиб кетганди, кўпчилик муҳокама қилиши лозим бўлган масалаларни бошлиқлар кабинетда ўтириб ҳал қилишарди. Ошкоралик одамларнинг характерини ўзгартирди, уни дадилроқ қилиб қўйди.

Д. Войлуков, В. И. Ленин номли «Красмашзавод» ишлаб чиқариш бирлашмаси олий техника билим юрти комсомол комитети секретарининг ўринбосари: Партия қарорлари бажарилиши лозим. Халқнинг ўзи шуни талаб қилмоқда. Ҳолбуки, юқорида ўз ишларини жуда секинлик билан қайта қуришяпти, деган тасаввур пайдо бўлмоқда.

М. С. Горбачев: Сизни ишонтириб айтмоқчиман, биз орқага қайтмаймиз, чунки одамлар қайта қуриш учун жон куйдиришаётганини кўриб турибман. Бу эса ана шундай сиёсат ҳаммамиз учун зарурлигидан далолатдир.

Овоз: Заводларимизга боринг!

М. С. Горбачев: Албатта бораман. Ўлкангиз нима билан қизиқарли? Сўнгги йилларда у ерда саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг миқёсли ишлар олиб борилмоқда. Сизларнинг муваффақиятларингиз бор, лекин хатоларингиз ҳам бор.

Д. Войлуков: Хатоларни ўзимиз тўғрилаймиз.

М. С. Горбачев: Ишлаб чиқариш муаммолари ҳам, энг муҳими эса — социал муаммолар ҳам бор.

Овоз: Бизда кооперативларнинг иши унчалик яхши юришмаяпти.

М. С. Горбачев: Мен бундай ўйлайман. Хизмат кўрсатадиган кооперативлар кўпроқ бўлади, товарлар ишлаб чиқарадиган кооперативлар кўпроқ бўлади, қурилиш кооперативлари кўпроқ бўлади, ремонт хизмати кўрсатадиган ва бошқа кооперативлар кўпроқ бўлади. Кооперативлар кўпайгач, ана ўшанда мусобақа бошланади. Ҳозир эса бир-иккита кооператив мавжуд экан, баъзан улар юзаки ишларни қилишяпти. Талаб, эҳтиёж мавжуд экан — пайтдан фойдаланиб қолишяпти. Бизнинг молиявий, иқтисодий сиёсатимиз буни ҳисобга олиши лозим, деб ҳисоблайман. Фақат ташаббусни бўғиб қўймаслик керак, ўртоқлар. Шундай қилиш керакки, кооператив ҳаракати умумий курашимизга уйғун равишда қўшилиб кетсин.

Суҳбатдошлардан бири ошкоралик масаласига қайтади. Газеталаримиз Москва газеталаридан намуна олиб, муаммолар тўғрисида ҳалол ёзаётганлиги жуда яхши. Лекин баъзан текширилмаган фактларни эълон қилаётган редакторларни нима қилиш керак?

М. С. Горбачев: Агар турмушимизда реал мавжуд нарсалар ҳақида гап бораётган бўлса, — бу ҳақда ёзиш лозим. Аммо матбуотда фактларни бузиб кўрсатувчи мақолалар, жиддий масалалар тўғрисида енгилтак мулоҳазалар ва айниқса тоқат қилиб бўлмайдиган, инсон қадр-қийматини таҳқирловчи мақолалар пайдо бўлса, буниси сира ярамайди.

Социализмга, халққа хизмат қиладиган барча нарсалар каби ошкоралик ҳам биз учун кераклиги хусусида сиз билан бизнинг ўртамизда келишмовчилик йўқ, деб ўйлайман. Башарти ошкоралик орқали кимдир бизга нариги томондан бирор нарсани ташлаб қўйишни хоҳласа, бунақаси кетмайди. Халқ эса ҳаммасини тушуниб олади. Ҳақиқатни яшириб бўлмайди!

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Красноярск ўлкасидаги учрашувлари давом этмоқда.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
А. ПЕТРОВСКИЙ,
Ю. ХОҶ,
Л. ШВЕДОВА,
В. ШИШЛИН.
ТАСС махсус мухбирлари.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг боришн тўғрисида шу йил 13 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

(Устунлар: биринчи — областлар, иккинчи — бир кунда, учинчи — мавсум бошидан буён, тўртинчи — бир кунда машиналарда, бешинчи — мавсум бошидан буён).

Хоразм	2,14	16,29	0,62	1,37
Андижон	1,16	10,12	0,03	0,04
Қашқадарё	1,32	8,24	0,61	2,07
Фарғона	1,37	6,59	0,03	0,03
Наманган	1,06	6,06	—	—
Сурхондарё	0,75	5,56	0,04	0,10
ҚҚАССР	0,66	3,61	0,12	0,24
Тошкент	0,44	2,93	—	—
Бухоро	0,63	1,45	—	—
Самарқанд	0,13	0,44	—	—
Сирдарё	0,11	0,39	0,01	0,02
Республика бўйича:	0,84	5,25	0,13	0,35
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Наманган	2,10	13,70	—	—
Сурхондарё	0,77	6,28	—	—
Қашқадарё	0,54	3,02	—	—
Самарқанд	0,37	1,35	—	—
Республика бўйича:	0,67	5,03	—	—

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 13 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар, иккинчи устун— бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	7,6	72,1
Тошкент	9,5	56,9
Сирдарё	8,8	55,0
Сурхондарё	5,8	50,7
Наманган	7,4	39,3
Хоразм	5,5	35,1
Қорақалпоғистон АССР	5,1	26,4
Андижон	6,4	23,0
Бухоро	4,6	16,8
Самарқанд	2,1	6,5
Фарғона	2,2	5,4
Республика бўйича	6,3	38,9

СССР—Австрия:

БИРГАЛИКДА УМУМЕВРОПА ХОНАДОНИНИ БУНЁД ЭТАЙЛИК

12 сентябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе билан Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ СССРга расмий визит билан келган Австрия Республикасининг вице-канцлери, ташқи ишлар министри А. Мок ўртасида музокаралар бўлди.

Музокаралар тугаганидан кейин Э. А. Шеварднадзе ва А. Мок ўз ҳукуматларининг топшириғига кўра, ядровий авариялар ҳақида дарҳол хабар бериш ва ядро қурилмалари тўғрисидаги ахборотни юбориб туриш тўғрисида СССР билан Австрия Республикаси ўртасидаги битимга имзо чекдилар.

* * *

Шу куниёқ Э. А. Шеварднадзе А. Мок шарафига берган зиёфат чоғида нутқлар сўзланди. Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

* * *

А. Мок Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

* * *

Меҳмон кечқурун «Звездний» шаҳарчасига бориб, Ю. А. Гагарин номидаги Космонавтлар тайёрлаш маркази билан танишди.

(ТАСС).

• Бизнинг суҳбат

ДЕНГИЗГА НАЖОТ

Орол денгизи бўйича Ҳукумат комиссиясининг раиси Ю. А. ИЗРАЭЛЬ «Правда» газетхонлари саволларига жавоб беради.

ПРАВДА

Орол денгизи бўйича Ҳукумат комиссияси ўтган йилнинг апрелидаёқ тузилган эди. Унинг иштирокчилари қандай ишларни амалга оширганликлари тўғрисида матбуотда хабарлар берилмади. Комиссиянинг хулосалари ва тавсиялари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг Орол денгизини қутқазиб қолиш тўғрисидаги қарорларига асос қилиб олинди.

—Биз, — дейди шу комиссия раиси, СССР Давлат гидрометеорология комитетининг раиси, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ю. А. Израэль, — олиб борилаётган ишларимиз тўғрисида кенг ахборот беришдан онгли равишда сақланиб келдик. Орол денгизи районида ва унга қуйиладиган Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида экологик ва санитария-эпидемиологик вазият ғоят кескин. У фавқулодда ва қиммат турадиган тадбирлар кўрилишини тақозо этади. Матбуотда бу борада бир неча бор гап юритилди. Оролнинг тақдиридан ташвишга тушган регион аҳолиси ва мамлакат жамоатчилигини у ёки бу лойиҳаларни амалга оширишдаги реаллиқ ҳар томонлама қараб чиқилмай туриб, энг асосийси бизнинг таклифларимиз юзасидан зарур қарорлар қабул қилинмасидан илгари шу лойиҳалар билан тинчлантиришга ҳаққимиз йўқ, деб ҳисобладик. Орол денгизи районида экологик вазиятни тубдан яхшилаш юзасидан тадбирлар чин кўнгилдан ва ҳар томонлама қараб чиқилганлигига келганда эса, комиссиямизнинг жуда нуфузли состави бунинг кафолати бўлиб хизмат қила олади. Комиссияга масалан академиклардан А. Л. Яншин, А. Г. Аганбегян, В. Е. Соколов, А. Н. Каштанов, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Фанлар академияларининг президентлари, бошқа олимлар, шу республикалар Министрлар Советлари Раисларининг биринчи ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари кирган эдилар. Биз жойлардаги вазиятни ўргандик, турли мутахассисларнинг мулоҳазаларини тингладик, аҳоли билан маслаҳатлашдик. Бизнинг таклифларимиз СССР Министрлар Совети Президиуми ва КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мажлисларида қараб чиқилди, тубли ҳаракатлар программаси тўғрисида принципиал жиҳатдан муҳим қарор қабул қилинди. Эндиликда асосийси уни амалга ошириш...

— Ўрта Осиёда кейинги ўн йилликларда амал қилиб келган сув хўжалиги тажрибаси, суғориладиган майдонларни ҳар томонлама кенгайтириш йўли Оролни аввал бошдан ўлимга маҳкум этганди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги улкан силжиш, пахта ялпи хирмонининг ниҳоятда ўсиши, мамлакат озиқ-овқат фондига салмоқли ҳисса қўшган шоли майдонларидаги юксак ҳосилдорлик учун шу денгиз қиймати билан ҳақ тўлангандек бўлди. Айримлар мовий Орол экзотик аҳамиятга эга бўлиб мамлакат харитасида унинг бўлиши зарур эмас, деб ҳисоблашганди. Ахир, Амударёнинг суви қум саҳроси орқали Каспийга оққан вақтлар планетамиз ҳаётида бўлган-ку.

— Шундай, Ўрта Осиёнинг унчалик узоқ бўлмаган тарихида Амударё бевосита Каспийга қуйиларди. Бироқ, тарих гувоҳлик бергандек, бу ўлкаларда деҳқончилик маданиятининг гуркираб ўсиши серсув Амударё ва Орол билан боғланган. Бундай деҳқончилик бутун регионнинг иқлимини мўътадиллаштириб турган мана шу манбаларсиз бўлмаганди ва бўлиши ҳам мумкин эмасди. Орол денгизи Устюрт тақир пасттекислиги ва Қорақум ҳамда Қизилқум саҳролари туташган жойда. Унинг йўқ бўлиб кетиши ёки чекиниши билан қуриб борган денгиз туби муқаррар теварак-атрофдаги саҳроларга қўшилиб кетади. Ҳозирнинг ўзидаёқ денгизнинг чекиниши чоғида пайдо бўлаётган янги қуруқликда ўсимликлар ғоят суст кўпаймоқда ва бу ерлар чанг ва туз бўрони кўтарилиб, юзлаб километр олисларга етиб борадиган манба бўлиб хизмат қилмоқда. Аниқ ҳисоб-китоб қилиш қийин. Ҳозирча дастлабки баҳолар чиқарилган. Уларнинг айримларига кўра бу ерда ҳар йили атмосферага 15—75 миллион тонна чанг-тўзон кўтарилмоқда. Орол бўйи ерларнинг ҳар гектарига ўртача 520 килограммгача қум ва туз ёғилмоқда. Бу Орол қуришининг фақат биргина оқибати. Бошқа кўпгина оқибатлари ҳам бор. Бу нима учун денгизни сақлаб қолиш зарурлигини кўрсатувчи яна бир салмоқли асосдир.

— Газетхонлар редакцияга йўллаётган кўпгина хатларида олимларга, сув хўжалиги ходимларига мурожаат қилиб, денгизни қутқазиб қолишнинг оқилона йўлларини топиш истагини билдирмоқдалар. «Бизнинг кўзимиз ўнгида мамлакатимиз географик харитасидан бутун бошли денгиз йўқ бўлиб кетишига йўл қўйиш мумкин эмас», — деб ёзишади олмаоталик қурувчи К. Доннёров ва чимкентлик иқтисодчи К. Турдалин. Буни экологик фожиа чуқурлашувини кутмасдан дарҳол амалга ошириш керак.

Бироқ, кейинги йилларда денгизнинг сатҳи 13 метрга пасайди, майдони учдан бирига қисқарди, сув ҳажми 60 процентга камайди. Денгиз сувининг ўртача шўрланиши икки ярим баробар ошди. Бу Оролда кўп тарқалган чучук сувда яшовчи зоғара балиқ, лаққа балиқ, оққайроқ сингари балиқ турлари йўқолиб кетишига олиб келди. Кейинги чорак асрда денгиз ҳаммаси бўлиб 600 куб километрдан ортиқроқ сувини йўқотди. Ғоят катта рақам! Денгиз йўқолиб кетмаслиги учун шунча сувни қаердан олиш мумкин?

— Дарҳол ҳеч қаердан олиб бўлмайди. Орол ҳавзасига кафолат берадиган миқдордаги сувни секин-аста кўпайтириб бориш тўғрисидагина сўз юритиш мумкин. Худди мана шу кафолат берадиган даражадаги сув ҳақида. Ахир сув кўп бўлган айрим йиллари Оролга ҳар қалай сув қуйилади-да. Сув оқиб келишини шу тариқа мунтазам кўпайтириб бориш мумкин. 1930 йилдан 1960 йилгача ҳар йили денгизга ўртача 50 куб километрдан кўпроқ дарё суви қуйилиб турган. Шунинг учун ўртача деяпмизки, сув қуйилиши 64 дан 33 куб километргача ўзгариб турган серсув ёки камсув йиллар бўлган. Денгиз теварак-атрофига тушган ёғингарчилик тўққиздан ўн куб километргача сув қўшган. Сув қўшилиши ва денгиз сувининг буғланиши туфайли йўқотилиш баланси шу тариқа сақлаб турилган. Бу ерда ҳар йили деярли бир метргача сув қатлами буғланади.

Олтмишинчи йилларнинг бошидан бошлаб суғориладиган майдонлар ва дарё сувларини бошқа мақсадлар учун олиш тез ошиб бориши муносабати билан Орол денгизига сув қуйилиши кескин камая бошлади. У 1970 йили 35,2 куб километрга, 1980 йилда 10 куб километрга камайди. 1986 йили Амударё ва Сирдарё сувлари денгизга мутлақо етиб бормай қолди. Агар ғоят кескин тадбирлар кўрилмаса, 15—20 йилдан кейин денгиз дастлабки майдонидан 6—7 маротаба кичиклашган аччиқ-шўр кўллар тўдасига айланади қўяди.

Денгизга қуйиладиган дарёларнинг суви қаёққа кетди? Жами сув истеъмолининг асосий ҳиссаси суғоришга кетади. Орол денгизи ҳавзасидаги суғориладиган ерлар мамлакатга жами ишлаб чиқарилган пахтанинг 95 процентга яқинини, шолининг 40 процентга яқинини, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 25 процентини, мева ва узумнинг 32 процентини етказиб беради. Суғориладиган деҳқончиликнинг ривожлантирилиши бутун регион қишлоқ хўжалик маҳсулотини 1950 йилга қараганда тўрт маротаба кўпайтириш 3,8 миллиард сўмдан 15,8 миллиард сўмликка етказиш имконини берди. Бироқ айнан мана шу суғориладиган ерларда уларнинг умумий маҳсулдорлигини камайтирмасдан туриб денгиз учун сув топиш мумкин ва лозим.

Бугун сувдан хўжасизларча фойдаланилмоқда. Кўплаб, айниқса, эски суғориш системаларининг фойдали иш коэффициенти 55 процентдан ошмайди. Сув истеъмолини планлаштириш чоғида тупроқ ва қишлоқ хўжалик экинлари хусусиятлари, суғоришга мўлжалланган сувнинг минераллашганлиги, метеорологик шарт-шароитлар етарли ҳисобга олинмайди. Натижада сув бериш планига қўшимча бир қатор ҳолларда 20 дан 100 процентгача ортиқча сув сарфланади.

— Дарвоқе, пахтачиликдаги ишларнинг аҳволи билан таниш бўлган газетхонларимизнинг айрим мактубларида пахтакорлар сув танқис бўлган ва далаларга нормадан ортиқ сув оқизиш мумкин бўлмаган йилларда энг юқори ҳосил олинишини таъкидламоқдалар. Хусусан Тошкентдан В. Ковалев шу тўғрида ёзиб юборган.

— Умумий ҳисобда суғориш системаларининг реконструкцияси, маҳсулот бирлигига ҳисоблаганда сув истеъмолини рационализациялаш ва қисқартириш, суғориш ҳамда шўр ювиш нормаларини тартибга солиш ва такомиллаштириш комиссиясининг хулосасига кўра фойдали иш коэффициентини 15—25 процент ошириш ва ҳар йили 15 куб километрга яқин сувни тежаш имкониятини беради. Мана шу сувнинг ҳаммаси асло янги ер массивларини суғоришга сарфланмай тўлалигича денгизга қуйилиши керак. Орол денгизи ҳавзасида халқ хўжалигини ривожлантиришни янги суғорилган ерларни ўзлаштиришни кўзда тутмай планлаштирмоқ лозим.

Экинлар суғорилгач ва шўр ювилгач, далалардан тўпланадиган дренаж сувларига ирригаторлар ҳозир ҳафсаласизлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Бундай сувларнинг анчагина қисми қумликларга оқизиб юборилаётир. Бу сувлар юқори даражада минераллашган бўлиб, бундан ташқари улар эриган минерал ўғит ва заҳарли химикатлар билан ифлосланган. Маълумки, бундай химикатлар пахта майдонларида ҳаддан ошиқ қўлланилади. Шуни таъкидламоқчиманки, ҳадеб нуқул пахта экавериш фақат химиявий воситалар (пестицидлар) меъёридан ортиқ ишлатилгандагина мумкин бўлади. Ғўза зараркунандалари ва касалликларга қарши бундай воситалар кўп қўлланилмоқда. Шунинг учун ҳам бу экиндан қисман воз кечиш, оқилона бедали алмашлаб экишни жорий этиш, шунингдек зарарли ҳашоратларга қарши курашнинг биологик методларини кенг жорий қилиш лозим.

Ҳозиргача ифлосланган минераллашган оқава сувларни дарёларга ташлаш тажрибаси қўлланиладики, бу дарё суви сифати ёмонлашишига олиб боради ва қуйи оқимда санитария-эпидемиологик вазиятни мураккаблаштиради. Чунки бу томонларда ўша дарё сувини ичишади-да. Зовур-дренаж сувларини турли чуқурликларга ташлаш ҳам яхши ечим эмас. Чунки шу туфайли Орол бўйида кўпгина, аслини олганда, кераксиз кўллар, шу жумладан йирик Сариқамиш ёки Арнасой кўллари пайдо бўлди. Мана шу сувларнинг ҳаммаси Оролга оқизилиши зарур. Бунинг учун денгизга уланадиган тегишли зовур-каналлар қазиш зарур. Бу денгизга жилла бўлмаганда йилига яна олти куб километр сув қуяди. Қарорда дарё ва денгиз ҳавзасига кафолат берадиган сув оқизишни йилига 21 куб километргача кўпайтириш кўзда тутилган. «Кафолат бермайдиган» сув оқими ва ёғингарчиликларни қўшиб ҳисобга олганда бу 25—30 куб километр сувни ташкил этади.

Албатта, бу дарёлар 1960 йилгача Оролга қуйиб турган ўша 50 куб километр сувдан анча кам. Бироқ, ҳар қалай денгиз гарчи қисқарган чегараларда бўлса ҳам сақланиб қолади.

— Юрий Антониевич! Газетхонлар ўз хатларида Оролни тўлдиришнинг, уларнинг фикрича, мумкин бўлган бошқа манбаларини ҳам кўрсатмоқдалар. Кўплар, ер силкиниши чоғида пайдо бўлган ва тоғ дарёси ўзанини тўсиб қўйган табиий тўғон ҳисобига вужудга келган Амударё юқори оқимидаги Сарез кўлига эътиборни қаратмоқдалар. Бу ерда 16-18 куб километр сув тўпланиб қолган...

— Кўл мавжудлигининг ўзи кишини ташвишга солади. Янги, кучли ер қимирлаши оқибатида бу тўғон бузилиб Амударё воҳасининг юқори қисми учун фалокатли оқибатларга олиб борувчи ҳолат ҳам юз бериши мумкин. Кўл сувини (ёки унинг бир қисмини) оқизиб юбориш гарчи кўпгина техника қийинчиликлари билан боғлиқ бўлса ҳам ғоят зарур вазифадир. Бунинг лойиҳалари ишлаб чиқарилмоқда. Лекин, Орол учун Сарез суви фақат бир қултум деган гап.

— Москвадан профессор, техника фанлари доктори А. Резниковский булутларга актив таъсир кўрсатиб, шу йўл билан Орол денгизи ҳавзасида ёғингарчиликни сезиларли кўпайтириш лойиҳасини реал деб ҳисобламоқда.

— СССР Давлат гидрометеорология комитети бу йўналишда иш бошлаган. Бироқ, Оролни сезиларли тўлдириши, мумкин бўлган кўламларда ёғингарчиликка фаол таъсир этиш тўғрисида ҳали гапиришга эрта.

— Сиз Сиёсий бюро мажлисида қабул қилинган қарорни эслатдингиз. Менга Орол бўйи муаммолари эндиликда тез ва самарали ҳал қилинадигандек кўринмоқда.

— Фикрингизга қўшиламан. Бу қарорда Орол денгизи районида экологик ва санитария вазиятини тубдан яхшилашнинг зарур илмий-ташкилий, хўжалик тадбирлари кўзда тутилган. Бу аввало регионни ичимлик сув билан таъминлаш, санитария ҳолатини яхшилаш, водопроводлар ва канализация қуриш, соғлиқни сақлаш даражасини кескин ошириш тадбирларидир. Бу, шунингдек эски мелиорация системаларини реконструкциялаш, оқава сувларни тўплаш учун коллекторлар қазиш, Оролни сақлаб қолиш учун унга сув бериш мақсадида дарё ўзанига сув қуйиш юзасидан кенг кўламли ишлардир. Бу ишларни моддий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича чоралар кўзда тутилган. Шундай қилиб бугуноқ сўздан (озмунча гап айтилмади!) ишга ўтиш лозим. Орол денгизини қутқазишнинг гарови мана шунда!

— Бироқ суғориладиган ва шўр ювадиган сувларни тежаш бўйича реал тадбирларни амалга ошириш, шунингдек дренаж ва оқава сувларни Оролга қайтариш вақт талаб қиладиган иш. Амударё ва Сирдарё қуйи оқимларигача етиб борадиган дарё суви сифатини яхшилаш бўйича ҳам кўп вақт талаб қилинади. Ҳолбуки сув етишмаслиги ва унинг сифати пастлиги билан боғлиқ ҳолдаги Орол бўйи санитария-эпидемиология вазияти, айниқса Қорақалпоғистон АССРда ташвишланарли бўлиб, кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилишини тақозо этади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали бир гуруҳ олимларидан редакциямизга келган мактуб хусусан шундан далолат беради...

— Чоралар кўрила бошланди. Туямўйин сув омборидан бошланадиган ва Амударё қуйи қисмида яшовчи аҳолини ичимлик суви билан таъминлаши лозим бўлган водовод қурилиши бошлаб юборилди. Бироқ бу ишнинг ярми холос. Сувни қабул қилиб олишга ўз вақтида тайёрланиш — аҳоли пунктларида кенг тармоқли водопровод системасини барпо этиш, ҳамма шаҳарларни, район марказларини, йирик қишлоқ аҳоли пунктларини шундай тармоқлар билан таъминлаш зарур. Унчалик катта бўлмаган қишлоқларни сув билан таъминлаш учун артезиан сувидан кенг фойдаланишга, сувни чучуклаштирадиган қурилмалар барпо этиш тўғрисида ғамхўрлик қилишга тўғри келади.

Орол бўйи регионида янграган экологик бонг кўпгина оғриқ нуқталарни ёритиб берди. Амударё сувининг ифлосланиши водопровод ва канализациянинг йўқлиги, буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, дарёларнинг қуйи қисмида аҳоли касалланиши ташвишли равишда ошиб боришига хизмат қилди. Фақат пахта экилиши, бу экин учун имкони бўлганча каттароқ майдонларни ажратишга интилиш одамларни озиқ-овқат билан таъминлашга таъсир кўрсатди. Бу ҳам саломатликка таъсир қилмай қўймайди. Бироқ, шуни рўй-рост айтиш керакки, регионда соғлиқни сақлаш хизмати ҳозирги фавқулодда иш шароитларига тайёргина эмас, балки умуман мамлакат бўйича ўртача даражага қиёслаганда ҳам ожиз бўлиб чиқди. Аҳолининг санитария-гигиена маданияти фавқулодда паст. Аҳолининг санитария маорифи алоҳида катта харажатлар талаб қилмайди. Фақат катта, қатъиятли, билимдонлик билан иш олиб боришни талаб этади! Кўпгина касалхоналар водопровод ва канализацияга эга эмас. Малакали врачлар, айниқса, регионда туғилиш кўплиги ҳисобга олинса, акушер-гинекологлар ва педиатрлар етишмайди. Замонавий даволаш муассасалари, биринчи навбатда хотин-қизлар консультациялари, туғуруқхоналар, болалар касалхоналари қурилишини авж олдириб юбормоқ зарур. Касалланиш даражаси юқорилигини ҳисобга олиб, бу жойлар учун дори-дармонлар сарфлаш нормасини ошириш талаб қилинади.

Бу муаммолар тўсатдан пайдо бўлгани йўқ. Лекин афтидан узоқ вақт уларни ҳал этишга зарур эътибор берилмаган. Худди шу нарса бу муаммоларни фавқулодда ҳолатда кучайтириб юборган. Бугун уларни зудлик билан ҳал қилиш лозим. Қарорда шу йўналишда қизғин чоралар кўзда тутилган.

— Экологик муаммолар шунчаки инсондан узоқ бўлган табиат муҳофазаси эмас...

— Худди мана шуни таъкидлашни истардим. Орол денгизи муаммоси бизга ўз вақтида англаб етилмаган ва узоқ муддат ҳал этилмаган экологик муаммо ўткир социал муаммога қандай қилиб айланганлигини кўрсатувчи ёрқин ва ачинарли намуна беради. Бу асло чекланган, фақат регионнинг ўзига тааллуқли хулоса эмас. Инсоннинг таъсири табиатнинг ўзи, биосфера ё амалда бартараф этишга қодир бўлмаган ёки бунинг учун унга ғоят узоқ вақт талаб қилинадиган хийла салбий оқибатларга олиб келди ва олиб келмоқдаки, буни кўрсатувчи кўпгина мисолларни келтириш мумкин.

Биринчи навбатда, бу биосферанинг заҳарли моддалар билан ифлосланишига тааллуқлидир. Шунингдек бу табиий ресурслардан интенсив, экологик жиҳатдан асосланмаган ҳолда фойдаланишга ҳам тааллуқлики, бунда табиатнинг янгиланаётган ресурсларни қайта ишлаб чиқаришга ўз қодирлигига путур етади. Бугун бизни кўпгина регионлардаги — ҳам Азов денгизи ва Волганинг қуйи оқими, ҳам Ладога кўлидаги табиий объектларнинг экологик ҳолати ташвишлантирмоқда. Афсуски, бу ҳисобни узоқ давом эттириш мумкин...

Орол мисоли экологик муаммоларни тўғри ва ўз вақтида ҳал қилиш фақатгина табиатни сақлаш учун эмас, балки экономикамиз ва жамиятимизни мақсадга мувофиқ тарзда ривожлантириш учун ҳам зарур шартдир. Экологик билимларнинг етарли бўлмаган даражаси ва улардан суст фойдаланиш ҳозирнинг ўзида бутун дунёда ҳам, бизнинг мамлакатимизда ҳам тўғридан-тўғри экологик ва иқтисодий зарар келтирмоқда.

— Лекин, ҳар қалай Оролга қайтайлик. Яна бир қатор масалалар бор. Сиз юқорида айтганингиздек, яқин йилларда кўриладиган чоралар денгизни «қисқартирилган» чегаралардагина сақлаб қолиб, лекин биз мактабда ўқиган географик карталарда кўрган ҳолатга қайтариш имконини бермайди. Бир қатор газетхонларнинг хатларидан Оролни Каспий суви ҳисобига ўттизинчи йиллардаги ҳажмигача тўлдириш лойиҳасини қараб чиқиш тўғрисидаги таклиф илгари сурилмоқда. Кейинги йилларда Каспийнинг сув юзаси кўтарилмоқда ва гўёки мана шу «ортиқча» сувни «кичик» укаси — Орол учун олишга йўл қўйиш мумкин. Бошқа бир маънодаги хатлар ҳам бор. Уларнинг муаллифлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Шимол ва Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Жанубга оқизиш юзасидан ишларни тўхтатиш тўғрисидаги маълум қарорига қарамасдан, бу Оролни қутқариб қолишнинг ягона мумкин бўлган йўли, деб ҳисобламоқдалар. Тўғри, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали президиумининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Камолов лойиҳа рақамларини таҳлил қилганидек, Обь сувини кўзда тутилган Жанубга оқизиш Орол учун амалда ҳеч нима бермасди. Шимолдан оқизиш мўлжалланган 27 куб километр сувнинг 13 куб километри Жанубий Урал учун, 5-6 куб километри Марказий Қозоғистоннинг кон-руда корхоналари ва Қизил Ўрда регионни учун ажратилгандир. Сизнинг фикрингиз қандай?

— Аввало мен қарорнинг сув ресурсларини регионлар бўйича ҳар томонлама иқтисодий ва экологик тадқиқотлар ўтказиш асосида тақсимлаш билан боғлиқ илмий муаммоларни ўрганишни давом эттириш зарурлиги тўғрисидаги, чамаси унутиб қўйилган сатрларига эътиборни қаратишни истардим. Менинг фикримча, истиқбол мутлақо тўсиб қўйилмаган. Лекин турли дарёлар сувининг бир қисмини бошқа томонларга оқизиш билан боғлиқ шунчалик қиммат турадиган тадбирларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва экологик хавфсизлигини ишонарли қилиб узил-кесил исботламоқ лозим. Ҳар қалай бу иш олдидан сувдан фойдаланишдаги бугунги ҳолатда кескин жиддий тартиб ўрнатиш — юқорида биз тилга олган тадбирларни амалга ошириш даркор. Сувдан фойдаланиш ва агротехникада юксак маданиятга эришилмай туриб «қўшимча» сув зарур самара бермайди.

Оролга Каспий сувини «оқизиш»га келганда бу борада, фикримча, яна ўша ёндашув зарур. Олдиндан экологик (Каспийнинг ўзи, дарвоқе сувга унчалик бой эмас!) ҳам иқтисодий жиҳатларни ўрганиш лозим.

— Аммо Орол сув юзаси пасайишидан кейин очилган ерлар — туз-қум бўрони ҳосил бўлаётган манба муаммоси бор-ку...

— Денгизнинг қуриб очилиб қолаётган туби СССР давлат ўрмон фондига бериладиган ерлар. Бу ерларда ўсимлик-мелиорация ишларининг кенг комплекси амалга оширилади. Сирдарё ва Амударёнинг тармоқланиб денгизга қуйиладиган қисмида, шунингдек Аральск ва Мўйноқ шаҳарлари районларида яшил зоналар барпо этилади. Ўсимлик кўкармайдиган жойларда шамоллар туз ва чангни кўтаришининг олдини олиш учун физик ва химик қоплаш усуллари қўлланилади.

— Охирида экологик ва социал муаммолар ўзаро узвий боғлиқлиги тўғрисидаги тезисни ривожлантиришга тааллуқли умумий савол. Орол регионни устун даражада қишлоқ хўжалик иқтисодий тараққиётига қаратилган йўл қабул қилинганлиги, пахта етиштириш кескин ошириб борилганлиги туфайли хавф остида қолди. Ўрта Осиё республикаларининг аҳолиси хийла юқори суръатлар билан ўсмоқда. Меҳнат фаолиятини бошлаётган ёшларнинг иш билан бандлиги муаммоси туғилмоқда. Инерция билан — Сибирь дарёлари ваъда қилган сув ҳисобига суғориладиган деҳқончиликни янада ривожлантиришни кўзлаб — бу навқирон қўллар пахтазорларда, шоли майдонларида ўзига иш топиши кўзда тутилганди. Редакцияга ёзилган бир қатор хатларда таъкидланишича, деҳқончилик Ўзбекистон аҳолиси учун анъанавий машғулот бўлиб, фақат заминдаги меҳнатгина деҳқон болаларини қаноатлантира олиши мумкин. Масалан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Зиёдуллаев ва Э. Юсупов шу нуқтаи назарни билдирмоқдалар. Орол бўйида экологик вазиятни тубдан яхшилашга қаратилган программа эса суғориладиган майдонлар массивларини кенгайтиришдан воз кечишга асосланади. Ёшларнинг иш билан машғул бўлиши учун қандай ечим бор, унга қандай иш жойлари тайёрланган?

— Программани амалга оширишнинг ўзи озмунча ишчи қўлларини талаб қилмайди. Бундан ташқари комиссиямизнинг хулосаларида янги, кўп меҳнат талаб қиладиган, бироқ сувга эҳтиёж сезмайдиган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш ҳисобига регионнинг саноатга ихтисослашувини кенгайтириш, регионда машинасозлик ва кон саноатини ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги асосий таклифлар бор. Тўла бўлмаган иш куни ёки касаначилик йўли билан хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминловчи меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишга алоҳида эътиборни қаратиш керак бўлади. Бу фақат дастлабки таклифлардир. Ўйлайманки, регионнинг иқтисодий ва социал тараққиёт истиқболлари ҳали муфассал ва чуқур ўйлаб кўрилиши керак. Табиат ресурслари ҳадсиз. Регионда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, албатта, ўз имкониятларини тўла ишга солиб бўлгани йўқ. Аммо бутун Орол денгизи ҳавзаси сингари Орол бўйи ҳам кенг ва серқирра тараққиёт йўлидан бориши керак.

Суҳбатни Р. ФЕДОРОВ олиб борди.

(«Правда», 12 сентябрь).

Сиэтл—Тошкент:

«Тинчлик боғи»га таклиф этамиз

13 СЕНТЯБРЬ КУНИ БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР — ТОШКЕНТ БИЛАН СИЭТЛДА «ТИНЧЛИК БОҒЛАРИ» ОЧИЛДИ.

«Наманганнинг . олмаси» деб номланган машҳур ўзбек қўшиғи америкаликлар Таня Опланд билан Дейл Блиндхайм ижросида Тошкентда янгради. Бу кўпчилик томошабинлар учун кутилмаган ходиса бўлсада, аммо ижрочилар учун оддий иш эди. Бу ёшлар Ўзбекистоннинг миллий маданиятига азалдан қизиқишади, уни яхши билишади. Таня билан Дейл Тошкентда «Тинчлик боғи»ни барпо этиш учун Сиэтлдан келган кўнгиллилар группасининг аъзоларидир. Улар бўш вақтларида миллий чолғу асбобларида чалишни ўрганишди, ижодкор зиёлиларнинг вакиллари билан учрашишди, театрларга боришди, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишишди.

Таня ва Дейл «Тошкент» меҳмонхонасидаги ўз хоналарида Тошкентда сотиб олган жуда кўп пластинкаларни кўрсатишди. Бу ерда Шерали Жўраев ва Ғуломжон Ёқубовнинг, Қобилжон Юсупов ва Ортиқ Отажоновнинг, Нуриддин Ҳамроқулов ва Машраб Эрматовларнинг пластинкалари бор эди.

— Биз ўзбек музикасини ниҳоятда севамиз — у жуда ҳам оҳангдор, жўшқин ва умуман жуда ажойиб, — дейди Дейл. — Биз ғижжак ва доира чалиш бўйича бир неча марта дарс олдик. Энди тор, дутор ва най чалишни ўрганишни орзу қиляпмиз. Аммо бу орзуимиз келгуси сафаримизда ушалса керак.

Дейл ўзбек чанги, белорус цимбали ва украин лирасига ўхшаш бир асбобни қўлга олади. Бу америкаликларнинг дулсимеридир. Дейл таёқчаларни қўлига олиши биланоқ, бизга таниш «Катюша», «Москва оқшомлари», «Андижон полькаси»нинг оҳанглари янграйди.

Бу қўшиқларнинг ҳаммаси америкалик артистлар Тошкентда биринчи марта ижро этган программага киритилган, шундан кейин улар бу қўшиқларни ўз уйларида, Сиэтлда ижро этишади.

Сиэтлдаги «Тановар» ансамблининг раҳбари — Лоуренс Грэй туфайли ўзбек санъати Америка диёрида тобора машҳур ва оммабоп бўла бошлади. Дарвоқе, Дейл Грэйнинг таклифига биноан ўзбек музика асбоблари ҳамда Муқимий номидаги музикали комедия театри ҳақида фильмни суратга олмоқда. «Нурхон» спектакли тўлалигича лентага олинди.

— Миллий театрингиз билан танишишдан жуда мамнун бўлдик, бизга бутун репетицияни, саҳна асари устидаги бутун иш жараёнини суратга олишга рухсат беришди. Энди «Нурхон»ни америкалик томошабинлар ҳам кўришади.

Дейл айни вақтда режиссёр Дэвид Френкел билан биргаликда Совет — Америка муносабатлари тарихида биринчи бўлиб ўзаро алоқа ўрнатган биродарлашган шаҳарлар — Сиэтл ва Тошкент ҳақидаги «Битта ер, битта сайёра» ҳужжатли фильмини суратга олмоқда. Бу фильмга «Тинчлик боғи»ни барпо этиш паллалари ҳам киритилади.

12 сентябрь куни америкалик кўнгиллилар ўз коржомаларида сўнгги марта боғ қурилишига чиқишди. Ажойиб боғ сиэтллик вакиллар қўли билан бунёд этилди. АҚШ гражданлари (уларнинг энг кичиги 11 ёш, энг каттаси 93 ёшда) — врачлар ва инженерлар, ўқитувчилар ва созандалар, студентлар ва мактаб ўқувчилари, пенсионерлар ва уй бекалари «Плаушерз» тинчликпарвар ташкилотининг ғояларини амалга оширишда иштирок этдилар.

Бу ташаббус бундан тўрт йил муқаддам юзага келган эди. Аммо эндигина, Совет-Америка муносабатларида бир оз силжиш бўлиши билан у амалга оша бошлади. Унинг моҳияти шундаки, Тошкент тупроғида Сиэтлнинг бетакрор гўшасини бунёд этишдан иборат. Америка боғ санъатининг кўз-кўз қилса арзийдиган ҳамма энг яхши нарсалари бу ерда маҳаллий ландшафт билан уйғунлашиб кетади. Уч ярим ой мобайнида боғни барпо этишда икки ҳафтадан беғараз ишлаб бериш учун кўнгиллилар группаси Ўзбекистон пойтахтига келиб турди. Ҳар бир киши ўзи билан бирга пардоз плиткларини олиб келди. Бу плиткаларга штат губернаторидан тортиб, биринчи синф ўқувчисигача минглаб америкаликлар нақш солишган. Тошкентликлар ҳам америкаликлар билан бирга елкама-елка меҳнат қилишди.

— Биз бирга ишлаб, боғнигина эмас, шу билан бирга ўртамизда дўстлик ва ишонч муносабатларини ҳам барпо этдик. Бу эса энг муҳимидир, — деди биродарлашган шаҳарлар комитетининг президенти Розанн Ройэр. — Совет — Америка муносабатларида жуда зарур бўлган мулоқот ва ҳамкорлик тажрибаси қурилиш майдончасида ҳам кўпая борди.

Розанн Ройэр хоним, мезбонлар америкаликларга нисбатан жуда катта илтифот қилдилар, улар ишнинг асосий оғирлигини ўз зиммаларига олиб, бизга миллий маданиятингиз билан, ўзбек халқининг ҳаёти ва турмуши билан яқиндан танишиш имкониятини яратиб бердилар, деб таъкидлади. Бугун Ройэр хонимни эрталаб Сиэтлдан чалинган қўнғироқ уйғотиб юборганлигини ҳам гапириб берди.

— «Кинг-телевижен» радиотелевизион компаниясининг продюссери Энн Стэдлер билан жамоат арбоби Лио Фрэнсис хоним қўнғироқ қилган эканлар, — дейди Розанн хоним. — «Тинчлик боғи»нинг байрамона очилиш программаси батафсил аниқлаб олинди: чунки худди шу куни ва шу соатда Тошкентда бўлгани каби Сиэтлда ҳам бу боғга дастлабки томошабинлар таклиф этилади. Бу боғлар халқ дипломатиясининг реал мужассамидир. Халқларимиз ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ишига янги саҳифа қўшилади. Биз битта заминнинг кишиларимиз ва шу боисдан ўз яшил сайёрамизни, нозик дунёмизни сақлаб қолиш учун дўстлик ва иноқликда яшашимиз керак. Ҳозир биз ҳамкорлигимизнинг янги усулларини муҳокама қиляпмиз.

Бир нарсани ўйлаб қолдик. Нима учун Совет журналистлари билан Америка журналистлари биргаликда иш олиб бормайдилар. Ҳолбуки, бу репортаж иккала халқ вакили томонидан ёзилган. Истаймизки, бундай ҳамкорлик ҳам давом этаверади...

Эльмира ТУХВАТУЛЛИНА, ЎзТАГ мухбири.

Жейн КЕРМАН, сиэтллик журналист.



Суратда: «Тинчлик боғи»даги шодиёна.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

• *Миш-мишлар ва ҳақиқат*

Бўстонлиқ районида нима қуриляпти ўзи?

ТУҲМАТЧИЛАР ВА САФСАТАБОЗЛАР ОШКОРА ЗАРБАГА УЧРАМОҚДА
ҲАММА ГАП РЎЙ-РОСТ АЙТИЛАДИГАН БЎЛСА, МИШ-МИШЛАРГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

— Бўстонлиқ атрофида эҳтирослар авж олиб кетишининг айбдорларидан бири рўпарангизда ўтирибди, — деб тан олди Ғазалкентда қурилаётган назорат-ўлчов аппаратлари заводи директори З. Исломов. — Минг-минглаб одамлар кўз ўнгида қурилаётган корхона тўғрисида биз аввал-бошданоқ ошкора айтганимизда ғийбатлар ва овозаларга ўрин қолмаган бўлур эди.

Зафар Маҳамадович Исломов район маркази бўлган Ғазалкент аҳолиси йиғилишида гапирди. Ушбу йиғинга район партия комитетининг аъзолари, район Совети депутатлари, ветераплар, меҳнат илғорлари келишган эди. Ниҳоят, у ўз заводи ҳақида батафсил сўзлади, сўнгра эса ЎзТАГ мухбирининг саволларига жавоб қайтарди:

— Завод қандай маҳсулот чиқаради?

— Корхонанинг номидан кўриниб турганидек, биз, асосан, назорат-ўлчов қурилмалари, ҳисоблаш комплекслари, шунингдек магнитофонлар, видеомагнитофонлар, халқ истеъмоли бошқа товарларини тайёрлаймиз.

— Ушбу корхона қурилиши тўғрисидаги қарор қачон қабул қилинган эди?

— Саволингизга тушундим. Гўё, Ғазалкентда «алюминий заводи» қурилаётгани ҳақидаги пуч овоза ёлғон бўлиб чиққанидан кейин янги миш-миш тарқалди. Гўё, бизнинг заводимизни илгари Арманистонда қуришмоқчи экану, аммо Тоғли Қорабоғдаги ҳаммага маълум бўлган воқеалардан кейин, бу ерга кўчиришган эмиш. Бу ҳам ёлғон. Чунки Ғазалкентда назорат-ўлчов аппаратлари заводи қуриш тўғрисидаги қарор 1986 йилнинг январь ойида қабул қилинган эди.

— Хўш, мазкур корхона нега энди Ғазалкентда қурилиши керак экан?

— Бунинг иккита асосий сабаби бор. Биринчидан, районда минг-минглаб одамлар иш тополмай юришибди. Заводимизга эса жуда кўп ишчи кучи зарур. Иккинчидан эса, корхонамиз технологияси учун тоза ҳаво, пухта муҳофаза этиладиган табиий муҳит зарур. Бўстонлиқ ҳавоси эса мусаффодир.

— Хуллас, Бўстонлиқ — «Ўзбекистон Швейцарияси» демоқчисизда?!

— Ҳозирча, таассуфки, Швейцарияга унча ўхшамайди. Бу номга муносиб бўлиш учун, аввало, жаҳонда энг яхши соатлар ва доридармонларни, электроника ва роботларни, жуда аниқ ишлайдиган оптика асбобларини, олий сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш керак, бундан ташқари, жаҳондаги энг яхши курортларни ҳам шу ерда ташкил этиш лозим бўлади. Ҳозир Бўстонлиқдаги «оптика» деганимизда, жўнгина бир устахона кўз олдимизга келади, бу ерда дераза ойнаси, банкалар ва шишалар тайёрланмоқда, айни вақтда ҳавога йилига 282 тонна зарарли моддалар чиқариб ташланмоқда...

— Яна сизнинг заводингиз тўғрисида гаплашсак. Уни ким қуради? Корхона қачон битади? Унинг составида қандай цехлар ва бўлинмалар бўлади?

— Чирчиқдаги 160-трест бош пудратчидир. Дастлабки маҳсулот 1993 йилда тайёрланиши керак.

Завод 40 гектар ерни эгаллайди, унда тайёрлов, механик ишлов бериш, йиғув-монтаж ва халқ истеъмоли товарлари цехлари, омборлар, қозонхона, гараж бўлади; бундан ташқари, чиқиндилардан фойдаланиш корпуси, оқаваларни тозалаш иншооти ҳам бунёд этилади. Завод бошқармаси ҳам бўлади, албатта, минг ўринли ошхона ҳам қурилади.

— Одамларнинг маиший турмушига тааллуқли қандай объектлар қурилмоқда?

— Инженерлик тармоқлари ва бошқа объектлар учун 15 миллион сўмча сарфламоқчимиз. Шу ва шунга ўхшаш объектларни Бўстонлиқ районининг ўзи қура олмайди, чунки маблағ йўқ. Ана шу жаннатмакон ўлкада тоғ ёнбағирларида ўсаётган дарахтларни кесиб келиб ўтин ёқилаётгани ва уйлар кўмир билан иситилаётганлиги туфайли ҳаво обдон булғанаётганини айтиб ўтмоқчиман. Биз эса бу ерга 41 километр узунликдаги газ қувури тортмоқчимиз. Юқори вольтли кичик станция заводга ҳам, поселка ва шаҳарга ҳам Чорвоқ ГЭСи энергиясини тарқатади. Ҳозир Ғазалкент аҳли асосан артезиан қудуқлар сувини ичмоқда. Биз эса Чирчиқ дарёси ёқасида сув олиш иншооти бунёд этамиз, ҳар кеча-кундузда дарёдан 50 минг куб метр тоза ичимлик сув оламиз. Шундан олти ярим минг куб метри корхона эҳтиёжларига ишлатилади. Қолгани шаҳар аҳолиси ихтиёрида бўлади. Оқаваларни чиқариб ташлаш учун канализация зарур, районда ҳозир бу нарса умуман йўқ. Биз Чирчиқнинг тозалаш иншоотларини реконструкция қилишга 5 миллион сўм сарфламоқчимиз: бутун район оқаваларни ана шу иншоотларга оқизиш имкониятига биринчи бор эга бўлади. Бунинг учун эса бир неча километр узунликдаги канализация шохобчаларини ўтказамиз.

— Бу коммуникация хусусидаги гаплар. Уй-жой масаласи қалай?

— Завод поселкасининг биринчи навбати 10 минг аҳолига мўлжалланган бўлиб, унинг саҳни 150 минг квадрат метр бўлади. Бу ерда 8 та болалар боғчаси, 3 та мактаб, ўқув комбинати, маданият ва пионерлар саройи, 800 ўринли кинотеатр, ҳаммом-кир ювиш комбинати, музика ва болалар спорт мактаблари қурилади. Бўстонлиқ районида соғлиқни сақлаш муаммолари нечоғли ўткирлигини сиз ҳам биласиз. Шундай шифобахш ўлкада ўз гражданларини даволашга қодир эмас... Биз эса ўз маблағимиз эвазига соғломлаштириш комплексини, яъни 300 ўринли касалхона, бир кеча-кундузда 770 беморни қабул қила оладиган поликлиника, спорт зали, ёпиқ бассейн қурмоқчимиз.

— Энди заводни бунёд этишга қарши чиқаётган кишилар рўкач қилаётган энг ўткир масала хусусида савол бермоқчиман. Корхона район ҳавосини ниҳоятда булғайди, дейишмоқда. Шу гап тўғрими?

— Буёғи ўзингизга ҳавола, мулоҳаза юритиб кўринг, дарёдан олинаётган сувнинг 91 процентини тозалаб, яна ишлатамиз. Қолган қисми эса тозалашдан кейин ҳали биз юқорида тилга олган канализацияга оқизилади.

Ҳавонинг тозалиги асосий масаладир. Қоидаларга кўра, ана шундай зоналарда корхоналар ҳавога чиқараётган зарарли моддаларнинг ижозат берилган концентрацияси 0,8 дан ортиб кетмаслиги керак. Қўлимиздаги лойиҳага кўра, ана шу кўрсаткични 0,1 га тушириш кўзда тутилган.

Мутлақо сир бўлмаган рақамларни айтиб ўтмоқчиман. Заводимиздан ҳавога чиқариладиган газлар йилига 84 тонна бўлади. Ғазалкентдаги керамзит шағал заводи эса ҳозир ҳавога йилига 760 тонна зарарли моддаларни чиқариб юбормоқда. Темирбетон конструкциялар заводи 1451 тонна, «Электрохимпром» эса 16 минг 205 тонна зарарли моддаларни чиқариб юбормоқда. Бўстонлиқ табиатини ҳақиқатан ҳам асрашга интилаётган кишилар куч-ғайратини шу томонга йўналтиришса айни муддао бўлар эди.

— Яна бир ўткир масала бор. Ишчиларни қаерда тайёрлайсиз?

— Бизга радиомонтажчилар, механиклар, аппаратларни созловчилар, асбобларни созловчилар, токарлар, йиғувчи слесарлар, ЭҲМ операторлари ва қурувчи ишчилар керак.

— Район маркази аҳолиси йиғилишига чақирилмаган меҳмон бўлиб келган тошкентлик олифталардан бири сиз маҳаллий аҳолидан малакали ишчилар тайёрлай олмайсиз, деб менга қараб ўдағайлади. Унинг шаштини қайтариб қўймоқчиман. Тажриба шундан далолат бериб турибдики, ўрта Осиё аҳолиси айниқса, шу ерлик аёлларимиз ниҳоятда аниқлик, диққат-эътибор ва маҳорат талаб этиладиган мураккаб электроникани ва бошқа маҳсулотни йиғишда ўз уқув ва истеъдодларини намоён этмоқдалар.

Йиғилишдан кейиноқ шу ерлик ёш-яланглар мени ўраб олиб ҳозир шу тобда иш талаб қилишганини кўрдингиз.

Сингиллар, укалар, бироз сабр қилинг, биз сизлар учун биринчи навбатда ишлаб чиқариш базаси ҳам бўлган, 720 ўринга мўлжалланган ўқув комбинати қурамиз, цехлар ишга тушгунча, сиз ҳам малакали ишчи бўлиб етишасиз.

Биз районда ёшларни йиғиб, уларни ўз ҳисобимиздан мамлакатдаги энг яхши турдош корхоналарга ўқишга юбормоқчимиз.

Тошкентдаги олий мактаблар билан, асосан маҳаллий аҳоли ўртасида, 1990 йилдан бошлаб ёш мутахассислар тайёрлаш тўғрисида шартномалар тузилди. Мамлакат олий мактабларида ўқиётган ғазалкентлик ёшлар рўйхатини тузиб чиқмоқдамиз. Ана шу ёш инженерларни бунёд этилаётган заводимизда ишлаш учун юборишларини илтимос қиламиз. Ғазалкент, Хондайлиқ, Сойлиқдаги мактаблар билан битириб чиқувчиларни заводимиздаги ҳунарларга қизиқтириш учун иш бошлаб юбордик.

Район ёшлари — суянган тоғимиз ва умидимиздир, шу боисдан ҳам биз Бўстонлиқ район комсомол комитети бизни қўллаб-қувватлайди, деб умид қилмоқдамиз.

— Зафар Маҳамадович! Бор гапни айтган маъқул. Сиз яхши гапларни айтдингиз, аммо кўпчилик бунга ишонмайди. Чунки одамларни кўп йиллар мобайнида роса лақиллатиб келишди-да. Айниқса табиатни муҳофаза этиш масалаларида кўп ёлғон гапиришди. Нега энди бу гал ишонишлари керак? Гапингиз шунчаки гап бўлиб қолмаслиги хусусида қандай кафолатлар бера оласиз?

— Келинг, дарҳақиқат, очиқ-ойдин гаплашиб олайлик. Чоғроқ коллективимизнинг сўзидан бўлак бошқа кафолат йўқ. Мукаммал, яхши лойиҳа бор, у қайта қуриш чоғида давлат экспертизасидан ўтган. Биз бу лойиҳани амалга оширишга қарор қилганмиз. Мен ўз халқимнинг фарзандиман ва она юртимнинг ватанпарвариман, шу айтилган гаплар рўёбга чиқишига бошим билан жавоб бераман. Келгинди сафсатабозларнинг бемаънилик қилиб юришларига қарамай, Ғазалкентдаги йиғилиш аҳли бир овоздан қуйидаги қарорга келди: назорат-ўлчов асбоблари қурилишининг мақсадга мувофиқлиги райондаги бошланғич партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида муҳокама қилинсин. Халқ қўллаб-қувватлар экан, мўлжалдаги ишларимиз амалга ошади. Вақти келиб Альп тоғларидагилар бизда ҳам Ғазалкентдаги сингари Швейцария бўлса эди, деб уҳ тортиб қўйишларини орзу қиламан.

* * *

Бу материал матбуот учун тайёрланаётганда Ғазалкентдаги ўнта катта меҳнат коллективида йиғилиш бўлиб ўтди. Асосий кўпчилик овоз билан назорат-ўлчов асбоблари заводи қурилиши маъқулланди. Сўнгра район Советининг сессияси бўлди. Депутатлар якдиллик билан бундай қарор қабул қилдилар: республика ҳукуматининг назорат-ўлчов асбоблари заводи қуриш тўғрисидаги қарори табриклансин; завод раҳбарияти завод билан бир вақтда социал-маданий-маиший объектларни қуриш, уй-жойга бўлган эҳтиёж жуда катталигини ҳисобга олиб, яқин вақт ичида уй-жой қурилишини бошлаб юбориш имкониятларини кўриб чиқсин; асосан маҳаллий аҳоли орасидан ишчилар тайёрлашни кўзда тутсин.

Ғазалкент,
Тошкент области.

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ махсус мухбири.

СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат банкидан

Қимматбаҳо металлардан эсдалик тангаларини муомалага чиқариш тўғрисида

1988 йил 13 сентябрдан бошлаб қадимги рус танга зарби, адабиёти, меъморчилиги, рус давлати христианликни қабул қилишининг 1000 йиллигига бағишлаб:

— қиймати 3 сўм бўлган кумуш, қиймати 100 ва 50 сўм бўлган олтин, қиймати 150 сўм бўлган платина, қиймати 25 сўм бўлган палладий тангалар муомалага чиқарилади.

Тангалар 39, 30, 6, 28, 6, 37 миллиметр диаметрдаги доира шаклига эга.

Тангалар олд ва орқа томонининг зихи айланасига бўрттирилган.

Тангалар олд томонининг юқори қисмида СССР давлат байроғи бўлиб, унинг остида «СССР», қуйи қисмида эса икки сатрда тангаларнинг қиймати ва ҳар бирига «3 рубля», «100 рублей», «50 рублей», «150 рублей», «25 рублей» сўзлари ва ана шу сўзлар остида танга зарб қилинган йил — «1988» рақамлари ёзилган. Қуйи сегментда ўнг ва чапдан бўлинган чизиқ бўлиб, унинг остида металнинг Д. И. Менделеев химиявий элементлар даврий системасида белгиланиши, қимматбаҳо металлнинг соф массаси, қуйма пробаси ва зарбхонанинг товар белгиси қўйилган.



Орқа томонда:

— 3 сўмлик қийматдаги кумуш тангадан бирида қадимий рус кумуш тангаси икки томонининг қабариқ тасвири, ўнгда зарб қилинган вақти — «1988 г.» тасвирланган, шунингдек доира бўйлаб юқоридан «Қадимий рус тангаси зарб этилишининг 1000 йиллиги» ва қуйида икки сатрда «Владимир кумуш тангаси» деган сўзлар ёзилган;

— 3 сўмлик иккинчи кумуш тангада Киевдаги София ибодатхонасининг қабариқ тасвири жойлашган, шунингдек доирасига юқоридан «Қадимий русь меъморчилигининг 1000 йиллиги» ва қуйида «София ибодатхонаси. Киев. 1037г». деган ёзувлар;

— 100 сўмлик олтин тангада қадимий рус олтин тангаси бир томонининг қабариқ тасвири, унинг остида танга зарб этилган «1988г». сўзлари туширилган, шунингдек доирасига юқоридан «Қадимий русь тангаси зарб этилишининг 1000 йиллиги» ва қуйида икки сатрда «Владимир олтин тангаси» сўзлари ёзилган;

— 50 сўмлик олтин тангада Новгороддаги София ибодатхонасининг қабариқ тасвири, унинг остида ибодатхона қурила бошлаган «1045 г.» рақамлари тасвирланган, шунингдек доирасига юқоридан «Қадимий русь меъморчилигининг 1000 йиллиги» ва қуйида «София ибодатхонаси. Новгород» ёзувлари бор;

— 150 сўмлик платина тангада рус қўшинларининг половецларга қарши олиб борган жанги фонидаги бинода қадимий солномачининг қабариқ тасвири жойлашган, шунингдек доирасига «Қадимий рус адабиётининг 1000 йиллиги», қуйида 1185 йилги «Игорь полки ҳақида қисса» сўзлари ёзилган;

— 25 сўмлик палладий тангасида Киев шаҳрининг Владимир тепалигида Днепр дарёси фонида князь Владимир Святославич ҳайкалининг қабариқ тасвири берилган, доирасига икки нуқта билан ажратилган ёзувлар, юқоридан «Рус давлатининг христиан динига ўтишининг 1000 йиллиги», қуйида «Князь Владимир Святославич ҳайкали» деган сўзлари бор.

Тангаларнинг қирраси тарам-тарам.

Муомалага чиқарилаётган тангалар ҳозирги вақтда муомалада бўлган тангалар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва айрим кишилар томонидан тўловларнинг барча турлари бўйича, шунингдек СССР банклари муассасалари ва Алоқа министрлиги корхоналари томонидан жорий, ҳисоб-китоб счети, жамғармалар, аккредитивлар ҳамда почта жўнатмалари учун ҳеч қандай чекланмай қабул қилиниши шарт.

Қимматбаҳо металлардан 1988 йилда тангалар чиқариш тиражи чекланган ва улар қуйидаги миқдорни ташкил этади:

— кумуш тангаларнинг ҳар бир тури 35 мингтадан;
— 100 сўмлик олтин тангага 14 минг дона ва 50 сўмлик олтин танга 25 минг дона;
— платина тангалар 16 минг дона;
— палладий тангалар — 7 минг дона чиқарилади.

СССР ва чет элларда юқоридаги тангаларни с/п «Межнумизматика» (Москва шаҳри, Пушкин кўчаси, 9-уй) коллекция нархида тарқатади.

«Ҳосил-88»

Теримчилар аҳди

Термиз районидаги Жданов номли колхознинг Х. Нормуродов бошлиқ бригадасида катаю-кичик теримда фаол қатнашяпти. Улар уруғлик пахта теримини хўжаликдаги бошқа бригадалардан анча олдин бошлаб, пешқадамликни қўлдан бермаяптилар.

Бригада коллективи бултур пахта тошириш йиллик планини бажаролмай доғда қолганди. Бригада пудратига ўтиб ишлаётган пахтакорлар бу йил 80 гектар майдонининг ҳар гектаридан пландаги 34 центнер ўрнига 37 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олдилар.

Йиғим-терим суръати кун сайин ортмоқда. Моҳир теримчилардан Гулсора Рўзиева кунига 70-75 килограмм аъло сифатли уруғлик пахта териб, бригада хирмонига баракали улуш қўшмоқда. Унинг мавсум бошидан буён терган пахтаси бир тоннадан ошиб кетди. Гулсоранинг мусобақадоши Озода Ҳасанова ҳам дугонасидан орқада қолмаслик учун астойдил тиришмоқда. У ҳар куни 65—70 килограммдан ошириб пахта теряпти. Чеварларнинг ҳар бири мавсумда 8—10 тоннадан ипак пахта теришга аҳд қилишган.

Ангор районидаги Куйбишев номли колхоздан С. Худойназарова, Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхозидан Ш. Маматқулова, «Коммунизм» колхозидан Д. Мўминова, Х. Худойназарова, Х. Эшбоев, Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхозидан Т. Ҳайдарова, М. Бобонова, О. Раимова ва бошқа теримчилар ҳам ўрнак кўрсатишяпти. Қўлмингкилограммчи теримчилар сони кўпайгани сари мусобақа ҳам қизғин тус олмоқда.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Китобхон мулоҳазаси*

ИНҚИЛОБГА ИНТИЛГАНЛАР

Мамлакатимиз миллий республикаларининг рус тилидаги адабиёти халқларимиз маънавий ҳаёти, маданиятининг муҳим ва ажралмас қисмига айланди. Евгений Березиковнинг «Қизил Бухоро» романи ана шундай адабиёт намуналари сирасига киради.

Роман ягона сюжет линиясига эга бўлган, қаҳрамонларининг тақдири, тарихий воқеалари ҳам бир бўлган «Қора довон» ва «Сўнгги амир» китобларидан иборатдир. Асар революцияга қадар бўлган даврдаги, яъни 1910—1917 йиллардаги «қизил» Бухорони акс эттиради. Худди шу даврда бу ерда инқилоб куртаклари пайдо бўлди, революцияни тайёрлаб, уни амалга оширишга бел боғлаган ватанпарвар курашчилар оммаси юзага келди. Бу кишилар Шарқий мусулмон полки, Туркман полки ва жанговар коммунистик дружиналар тузиб, М. В. Фрунзе қўмондонлигидаги Қизил Армия жангчилари билан биргаликда 1920 йилнинг сентябрида Бухорода амир Саид Олимхон ҳокимиятини ағдаришда қатнашдилар.

Ўша давр воқеалари ҳақида бошқа асарлар ҳам бор. Масалан, К. Яшин «Инқилоб тонги» пьесасида Файзулла Хўжаевнинг Саид Олимхонга қарши фаолиятини кўрсатган бўлса, Ж. Икромий «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» романида инқилоб воқеаларининг шиддатли гирдобида кечган муҳаббат, кураш ва ҳурфикрликни тасвирлаган. Е. Березиков эса, инқилоб арафасидаги Бухоро ҳаётининг ўзига хос бадиий-социал тасвирини чизиб берди. Муаллиф инқилобли мураккаб воқеаларини кўплаб персонажларнинг ранг-баранг, қарама-қарши характерлари, ижобий ва салбий хислатлари, уларнинг турли вазиятлардаги ўзаро муносабатлари, ўзини тутишлари орқали тўла очиб беришга интилади.

Ижобий персонажлар ички бир мантиқий мазмун билан боғланган. Улар амир зулмини бошдан кечирадилар, унинг бедодликлари ва қаттиқ эксплуатациясидан азият чекадилар. Бу ҳол уларнинг ҳаммасини ана шу зулм ва бедодликка қарши курашчиларнинг лагерига бирлаштиради. Ёзувчи маҳаллий халқларга чуқур меҳр-муҳаббат билан қаровчи тараққийпарвар рус зиёлиларини ҳам тасвирлайди. Улар маҳаллий халқларнинг тақдирини ўз тақдирлари деб ҳисоблайдилар. Романнинг баланд тоғдаги қўлдан Қашқадарё далаларига сув олиб келиш билан боғлиқ қисми энг ёрқин саҳифалардир. Унда Нашчекин раҳбарлигидаги кишилар канал қазиб, тоғдан сув олиб келадилар. Даврон бошчилигидаги дарвешлар эса, бунга катта тўсқинлик қиладилар.

Реакцион кучлар беҳисоб. қилинган Петербург университети студенти Владимир Нашчекин, археолог Вяткин, Черневскийлар оиласи, поручик Федоркин ва бошқалар худди шундай кишилардир. Улар атрофига туб миллат вакилларидан энг илғор фикрловчилар тўпланадилар. Булар — исёнкор Арслон ва Эргаш кўпқаричи, Хўжа Асрор ва Асадулла Ҳожи, Нашчекиннинг дўсти Абдулла Саъдиев, Азамат Йўлдошев кабилардир. Оддий кишилар — Фотима ва Ойша, Зарип ва Зуфарлар ҳам улар ортидан борадилар.

Муаллиф золимона ҳукмронлик ва жабр-зулмга қарши ягона фронт мутлақо табиий равишда юзага келди, деган фикрга ўқувчини қадам-бақадам етаклайди. Албатта, ҳозирги ўлчовлар, ҳозирги тушунчаларга кўра, бу кишиларнинг исёнини ягона фронт, деб аташ қийин. Бироқ бу лозим даражада раҳбарлик бўлган тақдирда Бухоро амирлигининг зулмат ва шафқатсиз бедодлик дунёсига қарши уюшган жангга киришга тайёр турган катта революцион куч эди. Саводсизлик, жаҳолат ва қолоқликка таянган амирликнинг дунёси маккор ва қаттиққўл эди. У авом халқ онгига амир ва унинг амалдорлари олдида тиз чўкиб сажда қилиши, улардан қўрқиш руҳини сингдирарди. Дарвеш Даврон романда ана шу амирлик дунёсининг рамзи сифатида акс эттирилади. Муаллиф дарвешларнинг ўрта Осиё тарихида ўйнаган бутун ҳалокатли ролини фош этишга муваффақ бўлган.

Романнинг баланд тоғдаги қўлдан Қашқадарё далаларига сув олиб келиш билан боғлиқ қисми энг ёрқин саҳифалардир. Унда Нашчекин раҳбарлигидаги кишилар канал қазиб, тоғдан сув олиб келадилар. Даврон бошчилигидаги дарвешлар эса, бунга катта тўсқинлик қиладилар.

Реакцион кучлар беҳисоб. унда муллалар, чиновниклар аппарати, Англия разведкачилари, Бухоро Арки ювиндихўрлари ва бошқалар фаол қисмни ташкил этади. Бу дунё гўёки тўнкарилган пирамидани эслатади. Унинг энг тепасида Амир туради. Аввалига у меросхўр шаҳзода мирза Саид Олимхон эди, кейин амир Олимхон бўлиб олади. Бироқ у бирор бир жиҳати билан ҳам ўзгармайди. У чор генераллари олдида хушомадгўйлик қилувчи, ўз ёвуз ниятини йўлида халқини ҳам сотишга тайёр турган, унинг энг оддий ҳақ-ҳуқуқларини ҳам оёқ-ости қилувчи қотил жаллодлар, шаҳватпараст фоҳишабозлар авлодидан. Бу унинг қон-қонига сингиб кетган.

Икки дунё, икки лагерь, икки хил тақдирлар ўртасидаги аёвсиз кураш романнинг асосий мазмунини ташкил этади. Ана шу бутун социал зиддият ёрқин ифодаланган. Асарда ҳаётнинг бор серқирралиги — қинғирқийшиқ, тор кўчалари, беҳаловат тақдирлари, барбод этилган умрлари, амалга ошмаган умидлари ва ҳаёлотлари билан акс этган. У бизга эски тузумнинг емирилиши ва янги дунёнинг туғилиши жараёнида юз берган фожиали манзараларни ёрқин кўрсатиб беради.

Е. Березиков ўша вақтдаги ҳақиқий воқеликни аниқ кўрсатиш, оддий халқнинг аянчли ҳаётини таъкидлаш мақсадида ўз асарида амир Олимхон давридаги Бухоро турмуши ва ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ ўнлаб фотосуратларни ҳам китобга илова қилади. Бу суратлар эски китоб ва журналлардан олинган. Эҳтимол, улар жуда ҳайратланарли туюлар, эҳтимол, уларни ҳозирги қариялар эслай олишмас. Лекин, Ўзбекистонда яшаётган ёш авлод ўша вақтда ҳукм сурган аҳволни ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилгани яхши.

Мен тарихчи сифатида асарнинг айрим камчиликларига ҳам тўхталмоқчиман. Романда жадидлар етишмайди. Тўғри, улар ҳақида айрим эслатмалар, ҳатто жадид деган персонаж ҳам бор. Бироқ улар кенгроқ тасвирга лойиқдир. Гап биз жадидларни оқлашимиз ёки уларга қора чаплашимиз устида бораётгани йўқ. Гап бизнинг уларга тарихдан ўзларига муносиб жойни ажратишимиз кераклиги ҳақидадир. Зеро, Мендеелев жадвалида ҳар бир элемент ўз ўрнига эга, фақат ҳали топилмаган элементларгина ўз ўрнига эга эмас. Шундай экан, нега биз ҳам ўз муайян мазмунига эга бўлган жойни бўш сақлашимиз керак? Романдаги бир қатор персонажлар ҳали қиёмига етмаган (масалан, Саритабиб), бир қанчаси эса юзаки тасвирланади (масалан, Скретон).

Умуман, Е. Беризиковнинг «Қизил Бухоро» романи ёзувчининг ҳаётни бутун мураккаблиги ва фожиавийлиги билан ҳаққоний акс эттириш учун тарих ва замона олдидаги масъулиятини, унинг совет кишиларининг янги авлоди онгида инқилобнинг соф ва улуғвор қиёфасини қарор топтириш учун бурчлилигини эслатиб туради. Зеро, бу инқилобни озодлик, қардошлик ва тенглик эзгу ғояларига садоқатли бўлган софдил ва ҳалол, фидойи кишилар амалга оширганлар.

Худди шу ҳаёт ҳақиқатини ёрқин ифодалаган «Қизил Бухоро» романи тезроқ ўзбек тилига таржима қилинади, деб умид қиламиз.

Ғ. ҲИДОЯТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

«Совет Ўзбекистони» аҳоли хизматида

МОЛИЯВИЙ КАМЧИЛИКЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙГАНЛИКЛАРИ УЧУН

«Биз Тошкентдан Андижонга йўлга чиқдик. «05-50 АНЛ» ракусига ўтирдик. Автобус йўл-йўлакай тўхтаб, йўловчиларни олаверди. Ўрта йўлакчага бир қанча тахтакач қилиб қўйишибди. Кимдан қанча олишгани беҳисоб. Юлғичлик ҳам эви билан-да» — деб ёзади Тошкент шаҳрида яшовчи А. Мирзажонов редакциямизга йўллаган шикоят хатида.

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ АВТОМОБИЛЛАР ТРЕСТИ ушбу ариза юзасидан текшириш ўтказди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди.

2511-автоколонна бўйича чиқарилган буйруққа кўра, молиявий камчиликларга йўл қўйганлиги учун «05-50-АНЛ» автобуси ҳайдовчиси А. Тиллабоевга қаттиқ ҳайфсан берилди. Ҳайдовчи С. Маматқулов ҳақидаги материаллар ишдан бўшатиш учун касаба союз комитетига топширилди.

Номлари қайд этилган ҳайдовчилар «Андижон-Тошкент» маршрутидан четлатилдилар.

ШАҲАР ОБОДОНЛАШТИРИЛАДИ

Манғит шаҳрида истиқомат қилувчи Р. Маднёров редакциямизга йўллаган хатида Тельман ва Чехов номли кўчалар ремонталаб эканлиги, истироҳат боғи ва стадион қурилишлари ўлда-жўлда бўлиб ётганлиги, умуман, ободонлаштиришга етарли эътибор берилмаётганлиги хусусида ташвишланиб ёзганди.

— Шаҳарнинг Тельман ва Чехов номли кўчалари шу йилнинг охиригача пахта тозалаш заводи томонидан ремонт қилинади, — дейилади МАНҒИТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда. — 1989 йилда Тельман номли кўча бўйлаб водопровод қувурлари катта диаметрдаги қувурларга алмаштирилади ва капитал ремонт қилинади. Бу ишларнинг смета-лойиҳа ҳужжатлари тайёр. 1988 йил қурилиш планига киритилган. Автобус бекатларида қурилиш ишлари олиб бориш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Шаҳар истироҳат боғи қурилиши учун маҳаллий бюджетдан 110 минг сўм маблағ ажратилган. Ҳозир 90 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. 1989 йилда истироҳат боғида аттракционлар ташкил қилиш учун маблағ ажратилмоқда. Бу ишлар давом эттирилади.

Стадион қурилиши ҳам ҳашар йўли билан плансиз бошланган эди. Унинг қурилиши учун маблағ ажратиш, 1989—1990 йиллар планларига киритиш масалалари тегишли юқори ташкилотлар олдига қўйилди.

Манғит шаҳрида ҳаммом ва кир ювиш комбинати, дорихона, кўприк, иккита асфальт заводи ва бошқа кўпгина қурилиш ишлари бошланди. Шаҳарни ободонлаштириш учун 500 минг сўм маблағ ажратилди. Охунбоев, «Дружба», «Свобода», Крилов, Беруний, Гагарин, «Победа», «Ленинград» ва Куйбишев номли кўчаларда асфальт ётқизилмоқда. Кўпгина кўчаларга ҳашар йўли билан шағал тўкилди.

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

БОШЛАНИШИ ЯХШИ

Завод пулли хизмат бюросининг катта инженери Олег Чичов ҳузурида меҳнат ветерани Раиса Мазаева ўтиради. У ўз буюртмаси тез ва соз бажарилгани учун миннатдорчилик билдиргани кирган экан.

Эндиликда Раиса опа хотиржам. Кайфияти яхши. Чунки уйи хоналари дераза ларини янги гулли сим тўрлар безаб турибди. Сим тўрларни усталарнинг ўзлари ўрнатиб ҳам беришди.

— Пулли хизмат бюроси уй юмушларимизни тезроқ битириб олишга имкон беряпти, — деди опа жилмайиб. — Иложи бор экан-ку. Фақат изланиш керак экан, холос. Шу йўл билан кўп мингли ишчи-хизматчиларнинг ҳожати чиқяпти.

Шуниси яхшики, буюртмачилар ҳам, ижрочилар ҳам ишчиларнинг ўзлари. Фақат расмийлаштириш хизмат бюроси орқали бўляпти.

— Кун бўйи корхонада бўламиз. Вақтимиз иш жойида ўтади. Шу сабабли хонадонимизга зарур у-бу юмушларни битиришга, кўча айланишга вақт топа олмаймиз. Заводимизнинг ўзида хилма-хил хизматлар ташкил этилгани ҳаммага ҳам маъқул келяпти, — дейишмоқда хизмат бюросидан миннатдор кишилар. М. Илёсов, А. Христин, Э. Ким, Ҳ. Айтматов, Р. Мингазова сингари ишчилар ўз буюртмалари сифатли бажарилгани арзонлиги ҳақида гапирмоқдалар.

В. И. Ленин номли Тошкент электрон-техника заводида ишчи ва хизматчиларга пулли хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш йўлидан бориляпти. Бу соҳада анча ибратли тажриба тўпланган. Инсон омилини активлаштириш, унинг имкониятларидан тўғри фойдаланиш корхона раҳбарлари ва жамоат ташкилотларининг диққат марказида турибди. Ўзини-ўзи бошқариш принципидаги бу хизмат фаолиятида ишчи ва хизматчилар тобора кўпроқ қатнашмоқдалар.

— Завод ишчи ва хизматчиларига кўрсатилаётган пулли хизмат резервлари оз эмас. Улардан фойдаланиш раҳбар ва мутахассисларнинг ташкилотчилигига боғлиқ. Қунт бўлса, кўп янгилик яратса бўлади, — деди Олег Станиславович Чичов. — Хизматлар қарийб ҳар бир цехда ташкил этилган. Усталар буюртмачилар уйига бориб, ремонт-қурилиш, тиклаш ва безатиш ишларини бажариб беришаётир. Бунга кўп ҳақ талаб қилинмайди. Шундай қилиб ишчи-хизматчиларга қулайликлар яратилмоқда. Буюртмачилар, айниқса, Александр Гардеев, Александр Букин, Илья Каримов, Бахтиёр Аҳмаджонов, Игорь Шчербаков, Виктор Петренко каби ҳалол, қўли гул ишчи усталар хизматидан мамнун бўлмоқдалар.

Олег Станиславович хизматларнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш жиҳатлари тўғрисида гапирди. Иш турига қараб цехларда хизмат кўрсатиш устахоналари очилган. Хизмат соҳасида иштирок этаётган мутахассис, ишчилар моддий манфаатдорлиги ҳам бор. Қўшимча ишлаб топилган маблағ асосий иш ҳақига дахлсиз. Чунки устахона сменадан ташқари вақтда фаолият кўрсатади.

— Биз бўёқчилик ва дурадгорлик ишларини бажармоқдамиз, — деди 22-цех мастери Мадаминжон Ҳусанбоев. — Ремонт-қурилиш ишларининг кўпчилик турларини ҳам ўз зиммамизга оляпмиз. Чунки устахонамизда тажриба орттирган мутахассислар меҳнат қилишяпти.

Ҳаётда кўп нарсага эҳтиёж сезмай иложимиз йўқ. Буларнинг ҳаммаси маҳорат, қунт ва катта ташкилотчиликни талаб қилади. Энди кўпгина эҳтиёжлар корхонанинг ўзида муваффақиятли ҳал этилмоқда. Ишчиларнинг уйларини ремонт қилиш, жиҳозлашдан тортиб энг кичкина буюмгача ясаб бериляпти. Улар орасида кўпчилик хонадонларга зарур бўлган дераза ромлари, сим тўрлар, автомобиль, радио, телевизорлар ва бошқа буюмлар учун мосламалар бор. Зарурат туғилганда улар ўрнатиб ҳам берилади.

Хизмат бюроси қошида, шунингдек, тўртта кооператив ишлаб турибди. Улар биринчи галда завод меҳнатчиларига хизмат кўрсатиб, кўп ҳолларда шаҳар аҳолиси ҳожатини ҳам чиқараётир. Фотография, автомобиль, уй-жойлар, квартираларни ремонт қилиш, жиҳозлаш, тиш қўйиш-даволаш, баъзи касалликлар бўйича врач консультациялари кооперативлар хизматини ташкил этмоқда.

Кўпчилик энди кооперативларга тез-тез мурожаат қиладиган бўлиб қолди. Шу сабабли корхона кооперативлари ва пулли хизматлар саккиз ойлик планни ошириб бажарди. Радио-телевизион аппаратуралар, физкультура ва спорт буюмлари уй-рўзғор асбоб-ускуналари, соат, идишлар ремонти каби хизматлар ҳам иш бошлади.

Йил бошидан буён 250 дан ортиқ ишчи-хизматчининг буюртмаси бажариб берилди. Кооператив фаолиятини активлаштириш ва хизмат кўрсатишни муваффақиятли давом эттириш, яна ҳам кенгайтириб боришга халақит бераётган қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Аввало, хизмат учун алоҳида бинолар, баъзи зарур асбоб-анжомлар, жиҳозлар етишмайди. Хом ашё билан таъминлашда узилишлар бор. Шу сабабга кўра ҳозир 50 га яқин буюртмачининг иши бажарилмай ётибди.

Бошланган яхши ишни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ҳажми кенгайиши учун корхона маъмурияти, касаба союз комитети зарур шароит яратиш ҳақида жонбозлик кўрсатиши керак.

С. ЖЎРАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



МЕҲНАТКАШЛАР МАМНУН

Республикамиз пойтахтидаги «Бешқайрағоч» турар жой массивида яшовчиларнинг талаб ва илтимослари инобатга олинди. Бу ерда замонавий озиқ-овқат магазини биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Кундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулотларни узоқ-яқиндан олиб келаётган меҳнаткашларга яна бир қулайлик яратилди.

Акмал Икромов район ижроия комитети ташаббуси билан амалга оширилган бу магазин қурилишидан кўпчилик мамнун бўлмоқда. Савдо шохобчасида озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинаётир. Бу ерда нондан тортиб консерва, сут, минерал сувларгача харид қилиш мумкин. Энг муҳими магазин салонида харидорларнинг савдо қилишлари учун барча қулайликлар яратилган.

— Коллективимиз олдида, — дейди 26-магазин мудири Мусаммо Сирхўжаева, — харидорлар кўнглига йўл топиш, уларнинг талаб ва истакларига қараб иш тутиш вазифаси турибди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда пенсионер отахон ва онахонларга алоҳида хизмат кўрсатмоқдамиз. Савдо маданиятини ошириш йўлидан бориб, планларни ортиғи билан адо этишга эришишимиз мумкин.

М. ЁҚУБОВА.



Суратларда: магазиннинг ички кўриниши ва сотувчи Нигора Норқулова. В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

Роман Ефимович МЕЛЬНИКОВ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг собиқ аъзоси, Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер, 1928 йилдан КПСС аъзоси Роман Ефимович Мельников 1988 йил 7 сентябрь куни 80 ёшида вафот этди.

Р. Е. Мельников 1908 йилда Москва область Можайск районидаги Синичино қишлоғида туғилди. Ўзининг меҳнат фаолиятини 1924 йилда Москва шаҳридаги заводларнинг бирида токарь шогирдлигидан бошлади, сўнгра 1931 йилдан бошлаб Москва шаҳар Первомайский район ижроия комитети бўлимининг мудири, секретари, раиси бўлиб ишлади. 1937 йилда меҳнаткашлар депутатлари Смоленкс область Совети ижроия комитетининг раиси этиб сайланди ва 1945 йилгача шу лавозимда ишлади.

1948 йилда Олий партия мактабини тамомлагандан кейин ВКП(б) Марказий Комитетининг инспектори, ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР бўйича вакилининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, КПСС Марказий Комитетининг инспектори бўлиб ишлади. 1963 йилдан 1982 йилгача КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг аъзоси эди.

Унга ишониб топширилган барча иш соҳаларида Р. Е. Мельников ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини Ватанга астойдил хизмат қилишга бағишлади. Юксак бурчни ҳис этиш, принципиаллик ва топширилган иш учун масъулият, камтарлик ва одамларга нисбатан меҳрибонлик унга хос фазилатлар эди.

Р. Е. Мельников ижтимоий-сиёсий турмушда фаол иштирок этди. Партиянинг XIX ва XX съездларида КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат этиб сайланганди, СССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати бўлган эди.

Р. Е. Мельниковнинг меҳнатдаги хизматлари икки марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Қизил Байроқ, 1-даража Ватан уруши, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва кўпгина медаллар билан тақдирланган.

Роман Ефимович Мельниковнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

1988 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА САМАРҚАНД ШАҲРИДА 1982 йилги давлат ички ютуқлар заёмининг НАВБАТДАГИ 54-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

1982 йилги давлат ички ютуқлар заёми аҳолининг пул жамғармаларини сақлаш учун жуда қулай ва фойдалидир.

Ютуқлар тиражида қатнашишга таклиф этамиз!

СССР Жамғарма банкининг Ўзбекистон республика банки.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. М. АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ қуйидаги ихтисосликлар бўйича АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сиртқи аспирантурага — умумий ва регионал геология, фойдали қазилмалар конларини ахтариш ва разведка қилиш геофизик методлари, геохимия, литология.

Ҳужжатлар 30 сентябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700017, Тошкент шаҳри, Сулаймонова кўчаси, 33-уй.

●

ФАРҒОНА ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ қуйидаги мутахассисликлар бўйича АСПИРАНТУРАГА эркин конкурс йўли билан ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Кундузги аспирантурага: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, умумий тарих.

Сиртқи аспирантурага: умумий тарих.

Аризалар қўшимча ҳужжатлар билан 1988 йилнинг 20 сентябригача қабул қилинади.

Справкалар учун қуйидаги адреса мурожаат қилинсин: Фарғона шаҳри, Усмонхўжаев кўчаси, 19-уй, педагогика институти илмий бўлими. Телефон: 4-27-63.

●

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Узглавстройдревпром»нинг ишлаб чиқариш-технология комплектлаштириш таъминоти ва сотиш бошқармаси **ТУГАТИЛДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 41-78-82, 41-78-17.

КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Госснабининг «УЗГЛАВУГОЛЬ» кўмир билан таъминлаш ва сотиш бош бошқармаси ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги адресда қабул қилинади: 700195, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй.

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ (Ўзбекистон ССР Госстройи) **ТУГАТИЛДИ**

Даъволар тугатиш комиссияси томонидан эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги адресда қабул қилинади: 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 6-уй.

●

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги тугатилиши муносабати билан мазкур министрликнинг мустақил баланси турувчи капитал қурилиш бўлими **ТУГАТИЛДИ**

Даъволар 25 сентябргача қуйидаги адресда қабул қилинади. Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй.

Геология ва нефть ҳамда газ конларини разведка қилиш институти коллективи катта илмий ходим Ҳ. Н. Мусаевга онаси

Шафоат МУСАЕВАнинг


вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия, касаба союз ташкилотлари ва тарих факультети коллективи қадимги дунё, ўрта асрлар тарихи ва ўлкашунослик кафедрасининг собиқ доценти, тарих фанлари кандидати, шахсий пенсионер

Маърифат Қосимовна БОБОЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

• Ёшлар ижодидан

Бахт

Бахт осмондан тушмайди, инон,
Ё сандонда тобланар нақдинг!
Кутиб турмас бекатда ёки,
Кўзинг нури, қалбинг қўридан
Бахтин эгар ким мисли камон,
Бунёд бўлар, замондош, Бахтинг!
Бардошлидир билагу токи!
Авайлаб жой бер дил тўридан...
Пешона тер суғорган ниҳол
Мангу гўдак, мангу ёш — Бахтинг!
Қуёшга бўй чўзгани — Бахтинг.
Янги манзил, маъданда

Наталья Гончаровага

Пушкинга умрдош, гўзал Наталья,
Рассомнинг ҳайратн яратган сурат!
Сарвиқад, сарвиноз, сариштa сиймат,
Бу ҳайрат олдида қанча нигоҳлар:
Нафис тақинчоқлар либослар ял-ял,
Меҳрли, қаҳрли, нафратли, маъюс,
Заҳар асал билан қоришган чоғлар,
Пушкинга, шонрга қисматни сен ҳам!
Фиғонлар, қувончлар кўришгандек юз...
Гуноҳинг оғирдир, бемисл дардинг,
Бу — жуда қўрқинчли!
Шоирнинг малаги, гўзал Наталья!
Алам, таъналар,
Лаънати маломат тошлари — қўрқинч!

* * *

Неча йил ўтса-да ўчмас гиналар,
Осмондан бир чўғ юлдуз учди,
Ҳақпарвар кўзларнинг ёшлари — қўрқинч!..
Учиб менинг қўлимга тушди.
Пушкинга умрдош, гўзал Наталья!
Юлдузларим юлдуз эмасдир.
Сен учун битилган ҳар ўтли байтлар.
Кундузларим кундуз эмасдир,
АЁЛга аталган Ишқ, Рашкнинг ҳали
Бу юлдузнинг олдида барча
Бўёғи қотмаган абадий қайдлар —
Ҳатто ою кун парча-парча...
Сен бокс битилган, парнваш, санам!
Қўлимдаги юлдуз шуъласи,
Сен қудрат,
Кўнглимдаги сас-ашуласи,
Сен ғурбат бўлиб яралдинг,
Мутлоқ ҳоким бўлиб қолган кун,
Бор-йўғимга ясадим якун.
Юлдуз бўлиб яшай бошладим,
Юлдуз билан тенглашди ёшим...

Ёлғон гап эшитганда

Олам турар кафтимда,
Қизийман ўз тафтимда,
Ғаниимларим янчишга
Кескир сўз пуғатимда.
Икки дунё бир қадам,
Журъат, қудрати танда.
Ҳаприқаман режамдан,
Ёлғон гап эшитганда.

* * *

Уркачсимон тоғлар ортидан
Кулиб чиққан қуёш уялиб
Қолди турли рангга бўялиб,
Ўта олмай ернинг олдидан.

Ҳам ёндириб, ҳам ёниб аста,
Қизиган тандирдай чўғланди,
Уфқларда сочи чулғанди,
Шўнғиб кетди ва яна пастга...

Умида АБДУАЗИМОВА.

• Спорт

ОЛИМПИАДА АРАФАСИДА:

ЁМҒИРЛИ КУНЛАР

Жаҳоннинг энг кучли спортчилари истиқомат қилишга мўлжалланган Олимпиада шаҳарчаси гавжумлашиб қолди. Бугунгача бу ерга 117 мамлакатдан 5149 нафар спортчи етиб келди. Олимпиада бошланадиган кунгача 160 мамлакатдан ўн мингдан ортиқ спортчини тўпланиши кўзда тутилган. Ўзига хос ёшлик шаҳарчасида турли мамлакатларнинг давлат байроқлари ҳилпирай бошлади. Совет байроғини кўтаришга бағишланган маросим вақтини чўзишга тўғри келди. Жала ёмғир туфайли шунингдек, Тунис, ХХР байроқларини кўтариш бошқа кунга қолдирилди. Испания, ЧССР, Руминия, Кения делегациялари бундай тадбирни кеч соатларда ўтказишди.

Жанубий Корея метеорология хизмати ходимлари эса Олимпиада баҳслари ўтадиган 17 сентябрь — 2 октябрь кунлари Сеулда 4-5 марта ёғингарчилик бўлишини «ваъда» қилишмоқда. Грециянинг Олимп қишлоғида ўт олдирилган машъала эса кўлма-кўл олиб юрилибди. Шанба куни тантанали очилиш маросимида ана шу оловдан Олимпиада машъаласи аланга олади. Унгача маёқ-олов жаъми 4023 километр йўл босиши керак.

Олимпиада ташкилотчилари спорт байрамини очилишига бағишланган маросимни энг қизиқарли ва бетакрор бўлишига аҳамият бермоқдалар. 32 парашютчини улкан стадион тепасида рамзий шакл — туташ беш халқа ҳосил қилиши жозибали манзара касб этиши ва кўпчиликда унутилмас таассурот қолдириши кутилмоқда. Ҳозирча парашютчилар машқларга зўр беришмоқда.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Ўқитувчи» нашриёти қуйидаги китобларни чоп этди. Н. Ғайбуллаев, И. Дирченко. Ўқувчиларнинг математик қобилиятини ривожлантириш. 248 бет, баҳоси 85 тийин (рус тилида).

Математика ўқитувчиларига мўлжалланган бу қўлланмадан олий ўқув юртлари талабалари, ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Г. Нога. Мактабда пилла чилик. 152 бет. Баҳоси 25 тийин.

Методик қўлланма мактаб шароитида ипак қурти боқишни ташкил этишда, ботаник ва зоология предметлараро боғланишини мустаҳкамлашда ўқувчиларга ёрдам беради.

М. Салахутдинова. Грамматика, имло ва нутқ ўстиришда тарқатма материаллар. 215 бет. Баҳоси 10 тийин.

Тарқатма материаллар дарсликдаги машқларга қўшимча бўлиб, унда ўтилганларни мустаҳкамлаш ва такрорлашда фойдаланишга мўлжалланган.

Т. Петрова, К. Чернишева. Рус тили. 208 бет. Баҳоси 45 тийин (рус тилида).

Бу ўқув қўлланмаси ўзбек мактабларининг 4-синфида фанни чуқурроқ ўргатишга бағишланган.

Авторлар коллективи. Механик тебранишлар ва тўлқинлар. 32 бет. Баҳоси 5 тийин.

Уч бобдан иборат бўлган бу китобча ўрта мактабнинг 8-синфи физика дарслигига қўшимча бўлиб, унда механик тебранишлар, тўлқинлар, товуш тўлқинлари хусусида сўз юритилади.

М. Асқархўжаев. Турар жойларда болаларни тарбиялаш ишлари. 80 бет. Баҳоси 10 тийин.

Китобда мактаб пионер ташкилоти фаолиятида болаларнинг бўш вақтларини ташкил этишнинг назарий ва амалий масалалари ҳақида гап боради.

• Ҳодиса

Аҳмаднинг иккинчи умри

Бу воқеа яқинда Бойсун районидаги Панжоб қишлоғида содир бўлди. 23 ёшли Аҳмад Мамаюсупов Шеробод район ремонт-ишлаб чиқариш корхонасининг механизациялашган кўчма колоннасида оддий ишчи бўлиб ишларди. У тоғли қишлоқ сўқмоқлари бўйлаб от миниб ишга жўнади. Бироз юргач, от харсанг тошдан сакради, отлиқ эса зарб билан отилди-ю тошга уриліб жарга юмалаб тушди. Бир зумда ҳушидан кетди. Шу пайт қишлоқ одамлари етиб келишди. Улар беморни шу қишлоқда яшовчи Н. Назаровнинг шахсий машинасида Шеробод район марказий касалхонасига жўнатишди.

Шифохона врачлари Т. Хоназаров, Ҳ. Раҳмонов, Б. Бўроновлар унга биринчи медицина ёрдами кўрсатишди. Аҳмадни ўша куниёқ зудлик билан область касалхонаси реанимация бўлимига олиб келишди. Бемор ҳамон ҳушсиз ва оғир аҳволда эди. Реанимация бўлими врачлари Л. Гуту, Н. Холбоевлар қўлларидан келганча катта ёрдам қилдилар. Нейрохирург Қ. Маманазаров тезлик билан бемор бош суяк қопқоғини очишни таклиф қилди. Эртаси эрталаб бу операция амалга оширилди. Калла қопқоғи очилгач, анчагина қон мия бўшлиғига қуйилиб, қотиб қолганлиги аниқланди ва дарҳол олиб ташланди. Бу операцияни Қ. Маманазаров амалга оширди.

Бемор 26 кун нейрохирургия бўлимида даволаниб, соғайиб чиққанидан кейин учинчи куниёқ қорнида қаттиқ оғриқ сезиб, оғир аҳволда яна шу область касалхонасига келди. Кечаси соат 12 да операция бошланиб, беш соат давом этди. Операцияни Термиз шаҳар касалхонаси бош врачи, медицина фанлари кандидати Қ. Мадартов олиб борди. Ўт қопчаси ёрилган, ичак йўли йиртилиб, ошқозон функцияси бузилган экан. Бир вақтнинг ўзида учта оғир операция амалга оширилди. Ўт қопчаси олиб ташланди. Ичак ва чарвидаги узилган жойлар тикилди, янги ичак йўли ҳосил қилинди. Шу операцияда қатнашган Б. Худойқулов уролог-хирург Ф. Шодиев, врач И. Омонов, ҳамшираларр Д. Суюндикова, С. Диловарховоналар жонкуярлик кўрсатдилар.

Бемор оғир аҳволда шифохонада ўн кун ётди. Кўрсатилган муолижалар ўз кучини кўрсатди. Яна бир неча кундан сўнг Аҳмад ҳаётга қайтди. Ҳозир у иккинчи умрини кечиряпти, бутунлай соғайиб, меҳнат фаолиятини бошлаб юборди. Улуғ Ватан урушининг биринчи группа инвалиди Р. Мамаюсупов билан Қаҳрамон она Д. Мамаюсуповалар фарзандлари ҳаётини сақлаб қолган фидокор шифокорларга чексиз миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

А. ҲАКИМОВ.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

• Тингланг, томоша қилинг!

14 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Галаба дарвозаси». Бадиий фильм. 10.40 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 16.55 — Качибуди услубидаги рақслар (Ҳиндистон). 17.20 — Ер юзи болалари нималар ҳақида куйлашмоқда. 18.20 — Мультфильмлар. 18.40 — Демократияни ўрганамиз. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.30 — Иқтисодий билимлар асослари. 20.00 — Танишинг — ёш кинематографчилар. 21.30 — Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Актуал объектив.

МТ-II. 18.35 — Янгиликлар. 18.40 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 19.10 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Яқин Шарқ: вақт кутиб турмайди. 21.30 — Время. 22.05 — Нима? Қачон? Қаерда? 23.35 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 00.05 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Телефильм. 15.55 — «Икки ўртоқ хизматда». Бадиий фильм. 17.30 — Рус адабиёти. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Пионерлар мамлакатида. 18.15 — Концерт. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Долзарб интервью. 21.15 — Телефильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Футбол чорраҳаларида. 23.00 — «Қароқчи чоллар». Кинокомедия.

УзТВ-II. 19.35 — «Осойишталик бўлмайди». Бадиий фильм. 20.55 — Тошкент области пахтакорларининг «оқ олтин»и. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Шоир ва шайтон». Бадиий фильм.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Визга мактуб йўллабсиз. 9.30 — Ғижжак тароналари. 9.45 — Партиявий иш: шакл ва услубларнинг янгиланиши. 10.15 — Ҳўжалик ҳисоби: тажриба, муаммолар, ечимлар. 11.15 — Юность. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 12.30 — Шу куннинг қўшиқлари. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — «Браво» ансамбли иштирокида концерт. 14.00 — Қишлоқ ҳўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.30 «Гулхан» журнали саҳифаларида. 15.50 — Сиёсий суҳбатлар. 16.00 — Қизил! Сариқ! Яшил! 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30 — С. Жалил асарлари. 19.20 — «Аланга». 19.40 — XIX партия конференцияси: янгиланиш йўли. 20.15 — Қрим татар композиторларининг асарларидан концерт. 21.00 — Қайта қуриш муаммолар ва ечимлар. 21.20 — Хирмонингизга барака! 22.45 — Музикали ҳаёт янгиликлари. 23.30 — Катталарга болалар ҳақида. 23.45 — Яллалар.

Р — 10965. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 211. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12